

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг «ВОЯГА
ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ
ТҮҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА

ИЛМИЙ-АМАЛИЙШАРХ

Тошкент – 2018

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Тақризчилар:

Юридик фанлар номзоди, доцент **Н.Т. Исмоилов**;
ИИВ ҲПББ бўлим бошлиғи **И.М. Халиков**.

Шарҳ муаллифлари:

1-боб – юридик фанлар доктори, профессор **Ў.Х. Мухамедов**;
2-боб – юридик фанлар доктори **А.С. Турсунов**;
3-боб – юридик фанлар доктори **И.Ю. Фазилов**;
4-боб – **Б.Ф. Алимов**;
5-боб – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори **Ф.А. Примов**,
6-боб – юридик фанлар доктори, профессор **Ў.Х. Мухамедов** ва
Ш.Р. Ғофуров.

X–87 Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ / Б.А. Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. –133 б.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳда қонун моддаларида белгиланган қоидаларнинг мазмуни ҳамда уларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари ёритилган. Мазкур шарҳ хуқуқшунослар, хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ҳамда юридик таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тингловчилари, курсантлари ва талабаларига мўлжалланган.

КБК 67.99(5У)8

К И Р И Ш

Аҳолининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этадиган мамлакатимизда уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, тики мустақил ҳаётга киргунича барча зарур шароитларни яратиб бериш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикр-лайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, ҳалқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиласиган, шиҷоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

«Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро, қайси лавозимда ишлашидан катъи назар, аввало, тарбиячи экани, фарзандларимиз тақдири учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни англаш тобора кучайтирилмоқда. Бу масала замоннинг ўткир талабига айланган долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўйилмоқда»¹.

Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Шу билан бирга, ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Жойларда, аввалимбор, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли заарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барваҳт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий

¹ Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари: Рисола / М.Бекмуродов, Қ.Қуронбоев, Л.Тангриев. – Т., 2017. – Б. 27.

ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаганини ҳаётнинг ўзи қўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сонли фармони асосида ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими тубдан ислоҳ этилди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бир томондан ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича давлат даражасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлса, бошқа томондан эса ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳам устувор йўналишлари сирасига киради. Бугунги кунда бу борадаги муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни муҳим амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган ушбу илмий-амалий шарҳ «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг нормалари мазмунини очиб беришга қаратилган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Қонунларни ўрганиш, илмий-амалий таҳлил қилиш ва амалиётда ҳамда илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш ва қўллаш жараёнида тушунмовчиликлар, турли хил талқин қилиш ҳоллари юзага келади.

Шундай салбий ҳолатлар тизимли ва доимий тус олмаслиги учун қонунларга расмий ва илмий-амалий шарҳлар берилади.

Тақдим этилаётган ушбу илмий-амалий шарҳ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 1 май ҳолатидаги қонун ҳужжатлари асосида тайёрланган.

Муаллифлар жамоаси мазкур илмий-амалий шарҳ юзасидан билдирилган фикрларни мамнуният билан қабул қиласи ва келгуси нашрларда инобатга олади.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

1. Мазкур қонун қабул қилингунга қадар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ёки назоратсизлиги бўйича алоҳида тушунчалар, профилактикасининг усул ва шакллари, чора-тадбирлари алоҳида нормаларга белгилаб берилмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 6-бўлими 81-86-моддаларида «Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари» берилган бўлиб, мазкур кодекс асосида вояга етмаган шахслар жиноят содир этганда уларни жиноий жазога тортиш қоидаларигина берилган. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 14-моддасида вояга етмаганларнинг содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлиги, уларнинг ишини Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларда кўриб чиқилиши, шунингдек кодекснинг 47-моддасида ўз мажбуриятини бажармаган ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, 188-моддасида уларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этган вояга етган шахсларнинг жавобгарлиги белгилаб берилган.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларга масъул шахсларнинг мажбуриятлари аниқ бир тизимга солинди.

2. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларга вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими киради.

2-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари дейилгандан вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзининг юридик кучига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Асосий қонуннинг қўйидаги моддаларида вояга етмаган ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси оид нормалар ва қоидалар белгиланган:

- **45-моддада** вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг устувор йўналишлари давлат томонидан белгиланади. Бунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланиши улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Вояга етмаганнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларининг давлат томонидан кафолатланиши ва амалда таъминланиши бевосита ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тўлақонли амалга оширишга хизмат қиласди.

- **64-моддада** ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағищланган хайрия фаолиятларни рағбатлантириши назарда тутилган.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, аввало, ижтимоий профилактикага таянади. Консти-

туциянинг ушбу нормасида вояга етмаганларнинг ижтимоий таъминот, таълим ва тарбия соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатланган.

Илмий-амалий шарҳланаётган ушбу қонунда ҳам аслида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишлари сифатида ижтимоий профилактика назарда тутилган. Жумладан, қонунда Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки ҳамда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари белгиланган.

Бундан ташқари, қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий характерга эга бўлган (вояга етмаганларнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволга тушиб қолишининг, назоратсиз ва қаровсиз қолишининг олдини олишга қаратилган) қоидалар мустаҳкамланган.

2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари вояга етмаган ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид муҳим ва барқарор муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг қуидаги қонунлари бевосита вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид муносабатларни тартибга солади:

Илмий-амалий шарҳланаётган ушбу Қонун («Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун);

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Оила кодекслари. (Масалан: Жиноят кодексининг 88-моддасида жиноят содир этишда айбдор деб топилган вояга етмаган шахсларга нисбатан суд томонидан қўлланадиган мажбурлов чоралари сифатида: а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш; б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган заарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш; в) вояга етмаганни маҳсус ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш белгиланган. Жиноят кодексида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантирганлик учун (125¹-м.), вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар

ихтиёрига зид тарзда динга ўқитганлик (145-м.) учун жавобгарлик белгиланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик алоҳида институт доирасида белгиланган ҳамда болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун (47-м.), ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаганлик учун (47¹-м.), ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабарини бузганлик учун (47²-м.), никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришганлик учун (47³-м.), вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузганлик учун (49¹-м.), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун (188-м.), вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик учун (188¹-м.), вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйганлик учун (188²-м.), вояга етмагани қаровга олиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятни бажармаганлик учун (207-м.) маъмурий жавобгарлик белгиланган, Оила кодексининг 65-моддасида боланинг оиласида яшаш ва тарбияланиш ҳуқуки белгиланган).

«Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонун. Ушбу қонунда бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатлар қаторида болаларни тарбиялаётган оиласида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (12-м.), боланинг оиласи мухитга бўлган ҳуқуки кафолатлари (13-м.), ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари (3-боб) назарда тутилган.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари қаторида вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид ваколатлари ҳам назарда тутилган (18, 21-м.).

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар қаторида вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмаслиги (3-м.) ҳам белгиланган.

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг соғлиғини, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга қаратилган бўлиб, қонуннинг 13-моддасига биноан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йигирма ёшга тўлмаган шахсларга ҳамда таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо обьектлари томонидан реализация қилиш ман этилган.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қаторида белгиланган чора-тадбирлар (ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, ёшлар учун очик ва сифатли таълимни таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-харакатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, иқтидорли ва истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш) бевосита вояга етмаган ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чора-тадбирлар доирасига киради.

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун 16-моддасида ички ишлар органларининг мажбуриятлари қаторида вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги суд қарорларини ижро этиш, ички ишлар органлари вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг фаолиятини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликлар ёки ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолганларни ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, яшаш, тарбияланиш ва таълим олиш учун алоҳида шароитларга муҳтож бўлган вояга етмаганлар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ёхуд ҳудудий ички ишлар органининг хизмат биносига олиб бориш назарда тутилган.

«Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти жумласига қуидагилар киритилган:

болаларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан ўз соғлиғига зарар етказишга, ўз жонига қасд қилишга ва шундай ҳаракатларни тарғиб қилишга ундейдиган;

болаларда алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёхвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиш, қимор ўйинларида, оммавий тартибсизликларда иштирок этиш, фоҳишлик, дарбадарлик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланиш истагини пайдо қиласидиган;

одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослайдиган ёки оқлайдиган ёхуд зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундейдиган;

оилавий қадриятларни инкор этадиган, ахлоқсизликни тарғиб қиласидиган, шунингдек ота-онасига ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан ҳурматсиз муносабатни шакллантирадиган;

ғайриқонуний хулқ-атворни оқлайдиган ва ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келадиган;

жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этишга чақирадиган;

уютли сўзларни ўз ичига олган;

порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган;

ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида жабрланган болалар түғрисидаги, шу жумладан бундай боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакилларининг фото- ва видеотасвиirlари, бундай боланинг туғилган санаси, унинг овози ёзилган аудиотасма, яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи, ўқиш ёки иш жойи түғрисидаги, бундай боланинг шахсини бевосита ёхуд билвосита аниқлашга имкон берадиган бошқа ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулоти киради.

Муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот маҳсулоти жумласига:

шафқатсизлик, жисмоний ва (ёки) рухий зўравонлик, жиноят ёки жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатлар тасвири ёки баёни тарзида тақдим этиладиган;

болаларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган, шу жумладан куч ишлатилмаган ўлимни, касалликни, ўз жонига қасд қилишни, баҳтсиз ҳодисани, аварияни ёки фалокатни ва (ёки) уларнинг оқибатларини инсон қадр-қимматини камситадиган шаклда тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган;

эркак ва аёл ўртасидаги жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган;

уютли сўзлар жумласига кирмайдиган ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборот.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи муҳим ҳужжатлари ҳисобланади. Президентнинг бу борадаги ҳужжатлар бир томондан тегишли қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилса, бошқа томондан эса вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини янада такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб, янги қонунларнинг қабул қилиниши учун концептуал асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги ҳужжатлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қиласди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда

уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони (бунда ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жиноий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилаётганлиги – кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар сирасига киритилди ҳамда вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш – ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан этиб белгиланди);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори асосида хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизими яратилди. Шунингдек, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-хуқуқий механизмлари жорий этилди (бунда давлат идоралари ва ташкилотларнинг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда, аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш назарда тутилди);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли қарори асосида ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси ва олдини олиш бўйича фаолияти тубдан ислоҳ қилинди (ички ишлар органлари Таянч пунктларининг асосий вазифалари сифатида хуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш, вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида

тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари ҳолатлари ҳамда уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли ташкилотларни ўрнатилган тартибда хабардор қилиш, муассасалари ва бошқа ташкилотларда (тўгараклар, клублар ва ҳ.к.) вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар аҳволини ўрганиш ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларига етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларни жойлаштиришга кўмаклашиш кабилар назарда тутилган).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари илмий-амалий шарҳланадётган мазкур қонун нормаларининг бевосита ижросини таъминлашга хизмат қиласди. Жумладан:

илмий-амалий шарҳланадётган қонуннинг 9-моддасига кўра, Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларро комиссияларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби қонун ҳужжатларида белгиланиши назарда тутилган ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги 13-сон қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида»ги Низом қабул қилинган (бу ҳақда 9-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

илмий-амалий шарҳланадётган қонуннинг 12-моддасига кўра, Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши назарда тутилган ва шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сон қарорига биноан «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида»ги Низом тасдиқланган (бу ҳақда 12-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 372-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида»ги низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тўғрисида»ги низомда белгиланган (бу ҳақда 13-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

илмий-амалий шарҳланаётган қонуннинг 14-моддасида ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги Низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши назарда тутилган ва шу асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сонли «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинган (бу ҳақда 13-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

илмий-амалий шарҳланаётган қонуннинг 15-моддасида васийлик ва ҳомийлик органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, уларнинг бу борадаги ваколатларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги низомда белгиланган (бу ҳақда 15-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

илмий-амалий шарҳланаётган қонуннинг 16-моддасида Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, уларнинг бу борадаги ваколатларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида»ги Низомда белгиланган (бу ҳақда 16-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

илмий-амалий шарҳланаётган қонуннинг 17-моддасида меҳнат органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, уларнинг бу борадаги ваколатларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 апрелдаги 117-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги тўғрисида»ги низомда белгиланган (бу ҳақда 17-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сон қарорига асосан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида»ги Низомда ушбу марказларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг

ваколатлари шу жумладан, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга оид вазифалари белгиланган (бу ҳақда 10-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

5. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини ҳамда тегишли тартиб-таомилларни белгилаб беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 17 январдаги 18-сонли буйруғи билан «Спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни муентазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом 2010 йил 17 декабрдаги 342-сон буйруғи билан «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилаётган вояга етмаганларнинг тиббий кўригини ўtkазиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган (бу ҳақда 16-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

З-модда. Асосий тушунчалар

Ушибу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

вояга етмаган – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишига қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чоратадбирлар тизими;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган – вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиги учун хавф тугдиралигиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини

бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

назоратсиз – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим берши бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-автори назоратсиз қолган вояга етмаган;

якка тартибдаги профилактика иши – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

қаровсиз – аниқ яшаши жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар – вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шугулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

1. Илмий-амалий шарҳланаётган ушбу моддада вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг профилактикаси соҳасидаги асосий тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифи белгиланган.

2. Қонунда вояга етмаган шахс тушунчаси белгиланган бўлиб унга кўра ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс вояга етмаган сифатида таърифланган.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга биноан ҳам вояга етмаган шахслар (болалар) дейилганда ўн саккиз ёшга тўлмаган жисмоний шахслар назарда тутилган.

Таърифга кўра, вояга етмаган шахс тушунчасининг ягона мезони – ўн саккиз ёшга тўлмаганлик белгиланган. Унга кўра, ўн саккиз ёшга кирган шахслар ҳам вояга етмаган ҳисобланади. Шахснинг ўн саккиз ёшни тўлдирадиган йилдаги туғилган куни тугаши кеч соат 0:00 дан бошлаб, у вояга етган ҳисобланади.

3. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси қуйидаги чора-тадбирларни қамраб олади:

ижтимоий чора-тадбирлар;
хуқуқий чора-тадбирлар;
тиббий ва бошқа (педагогик, психологик, иқтисодий каби) чора-тадбирлар.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагиларга қаратилади:

вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш;

вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари илмий-амалий шарҳланаётган ушбу қонундаги ваколатли субъектлар томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

4. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган шахс дейилганда қуйидагилар тушунилади:

назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган вазиятга (шароитга) тушиб қолган вояга етмаган шахс;

уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган вояга етмаган шахс;

хуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган.

5. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила дейилганда қуйидагилар тушунилади:

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан оиласидаги вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган оиласар;

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан оиласидаги вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаётган оиласар;

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан оиласидаги вояга етмаганларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оиласар.

6. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг асосий сабабларидан бири – бу уларнинг назоратсизлиги ҳисобланади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, вояга етмаганларни назорат қилиш мажбурияти уларнинг ота-оналари ёки ота-оналари ўрнини босувчи шахслар зиммасига юклатилган. Оила кодексининг 73-моддасига кўра ота-она ўз болаларини тарбиялаши шарт. Уларнинг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари, болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.

Назоратсиз вояга етмаган шахс дейилганда қўйидагилар тушунилади:

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик оқибатида хулқатвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқатвори назоратсиз қолган вояга етмаган.

Шу билан бирга хулқатвори назоратсиз қолган вояга етмаган шахс ғайриижтимоий ёки ғайриқонуний қилмиш содир этган бўлиши шарт.

7. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси амалга оширишнинг асосий усулларидан бири – якка тартибдаги профилактика иши ҳисобланади. Бунда ваколатли субъектлар томонидан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ғайриижтимоий хулқатворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганларни ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолият амалга оширилади.

8. Қаровсизлик – вояга етмаганларнинг хавфли ижтимоий аҳволга (вазиятга) тушиб қолиши ҳисобланади.

Қаровсиз вояга етмаганлар шахс ҳуқуқбузарликнинг жабрланувчиши бўлиш эҳтимоли юқори бўлган субъект бўлиши билан бирга, ҳуқуқбузарлик содир этишга ҳам мойиллиги юқори бўлади.

9. Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаган-

лик оқибатида ҳамда қаровсизлиги натижасида вояга етмаган шахс томонидан ғайриқонуний хатти-харакатлар содир этилишининг реал эҳтимоли юқори бўлади.

Вояга етмаган шахслар аксар ҳолларда муайян ҳуқуқбузарликларнинг субъекти бўлиш учун белгиланган ёшга етмаганлиги сабабли улар томонидан томонидан содир этилган ғайриқонуний хатти-харакатлар ҳуқуқбузарлик эмас ғайриижтимоий хатти-харакат сифатида баҳоланади.

Буларга қўйидагилар киради:

вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши;

вояга етмаганнинг мунтазам равишда фоҳишиалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-харакатлари;

вояга етмаганнинг мунтазам равишда ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-харакатлари.

4-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-харакатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиншини таъминлаш;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини шакллантириш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласарни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-харакатларни содир қилишига жалб этиши ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш.

1. Илмий-амалий шарҳланаётган ушбу қонуннинг мақсади этиб вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишнинг асосий вазифалари ҳам белгиланган.

Қоидага кўра вазифа мақсадга эришиш йўли, вазифаси, чораси ҳисобланади.

Шундай қилиб, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси қуидагилар орқали таъминланади:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактиласининг устувор вазифаларидан бири – бу уларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш ҳисобланади. Мазкур вазифалар тегишли ваколатли субъектларнинг функционал вазифалари доирасида бажарилади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси чора-тадбирлари аслида уларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳисобланади. Масалан, вояга етмаганларнинг ижтимоий таъминот, тарбия ва таълим соҳасидаги хукуқларини амалга ошириш назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қиласди;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси, аввало, уларга тарбиявий-педагогик таъсир этишни назарда тутади. Бунда вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини шакллантиришга қаратилган хуқуқий тарғибот, тарбиявий ва педагогик чора-тадбирлар амалга оширилади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш, бундан вояга етмаганлар ва оилаларни аниқлаш ҳамда уларга қонун хужжатларида назарда тутилган ижтимоий-педагогик реабилитация чора-тадбирларини қўллаш ҳисобланади.

Ижтимоий-педагогик реабилитация ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ўз фарзандларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажаришларига кўмаклашишга йўналтирилади;

вояга етмаганларни хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ўз хусусиятига кўра

хуқуқбузарлик ҳисобланади ва бунинг учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188, ва 188¹-моддаларида ҳамда Жиноят кодексининг 127-моддасида бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

Вояга етмаган шахс ҳали ақлий ва руҳий жиҳатдан тўлиқ камолга етмаганлиги учун уларда қизиқувчанлик, ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларини тўлиқ англаб етмаслик, катталарга нисбатан тақлид қилиш кабилар ҳис-туйғуларга берилувчанлик кучли бўлади. Шу сабабли, уларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш осон бўлади. Вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш жазо қўллаш таҳди迪 билан давлат томонидан таъқиб этилади.

Вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш дейилганда ваколатли субъектлар томонидан бундай ҳолатларнинг мавжудлигини, содир этилганлигини ёки содир этилаётганлигини ўз ваколатлари доирасида аниқлаш ҳамда қайд этишга қаратилган фаолият тушунилади.

Вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларига барҳам бериш аниқланган бундай фаолиятни тугатиш ва уларнинг келгусида содир этилишини камайтиришга қаратилган фаолият тушунилади.

5-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлик;

тизимлилик;

оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиши;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига якка тартибда ёндашиш.

1. Принцип устувор (раҳбарий) қоида сифатида муайян фаолиятни амалга оширишда доимий равишда амал қилиниши лозим бўлган

қоидаларни ифодалайди. Шу маънода вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни амалга оширишда доимий равишда амал қилиниши лозим бўлган устувор қоидалар – принциплар ҳам белгиланган бўлиб, мазкур қоидалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий моҳиятини белгилаб беради.

2. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қонунийлик принципи. Мазкур принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган Конституция ва қонуннинг устуворлиги қоидасининг бевосита амалиётга жорий этилиши ҳисобланади. Умуман олганда қонунийлик давлат ва жамият қурилишининг бош принципларидан бири ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда тегишли масъул субъектлар амалдаги қонун хужжатларига бир хил ва оғишмай амал қилиши шарт. Бунда қонунлардан ҳар қандай чекиниш учун жавобгарлик назарда тутилган.

3. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг инсонпарварлик принципида эса вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикасини амалга ошириш жараёнида иштирокчи бўлган фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини ва эътиқоди ҳамда ижтимоий мавқеидан қатъи назар уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг бузилишига йўл қўймаслик тушунилади.

Инсонпарварлик принципи инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтиришга хизмат қиласди. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳеч ким камситилмаслиги, унга ғайри қонуний, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, унинг ишчанлик обрўйига путур етказувчи чоралар қўлланмайди.

4. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тизимилийк принципида – вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари профилактикасини амалга ошириш жараёнида кетма-кет ёндашган ҳолда олиб бориши, хусусан биринчи навбатда оила ва мактаб концепцияси талаблари асосида вояга етмаганларни туғилгандан бошлаб уларни тарбиялашга, ижтимоий ҳимоялашга, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилиши тушунилади.

Тизим нарса, воқеа ва ҳодисаларнинг ички уйғунликка эга бўлган бирликлари мажмуи ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлар аниқ режалаштирилган ва тартибга солинган қоидалар ҳамда тартиб-таомиллар асосида амалга оширилсанда у қўзланган натижаларга эришиш имконини беради. Тизимлилек тартибли ва оқилона ўйланган амалиётни вужудга келтиради.

5. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш принципида – вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш жараёнида субъектлар томонидан энг биринчи навбатда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оилаларни ҳимоя қилишни, уларга моддий ёрдам қўрсатишни, улардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этилишига эътибор қаратишни, улар билан мунтазам алоқада бўлиш лозимлигини белгилайди.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига якка тартибда ёндашиш принципида эса – вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб берилган ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, яъни вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаганлар билан профилактик ишларни уларга индивидуал ёндашган ҳолда уларнинг мавжуд муаммолари, ижтимоий аҳволи ва оила, жамиятдаги ўрнини ўрганган ҳолда олиб борилиши тушунилади.

6-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни ахборот билан таъминлаш

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар:

прокуратура органларини – вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида;

вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларни – вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида, шунингдек вояга етмаганлар ўртасида

назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида;

васийлик ва ҳомийлик органларини – етим болалар, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган ёхуд ҳаёти ёки соглисига хавф түздирадиган ёхуд таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган болалар тўғрисида;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оиласлар аниқланганилиги тўғрисида;

ички ишлар органларини – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласлар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганлар тўғрисида, шунингдек вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишига жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа гайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган ота-оналар ва ўзга шахслар ҳақида;

соглиқни сақлашни бошқариш органлари ва соглиқни сақлаш муассасаларини – мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотрон ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши оқибатида тиббий текшируга, кузатувга ёки даволанишига муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида;

таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларини – ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарқ этган ёхуд таълим муассасаларидағи машгулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида зудлик билан хабардор қиласди.

1. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни самарали амалга оширишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бу борадаги ахборот алмашинувининг ҳажми ва сифати ҳисобланади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида

аён бўлган вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги ахборотлар билан тегишли субъектларни хабардор қилишлари шарт.

Ахборот манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади¹.

Ўзига керакли ахборотни излаш ва олиш фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқларидан бўлиши билан бирга, ахборот бошқарув фаолиятининг муҳим ресурсларидан ҳисобланади. Тегишли бошқарув фаолиятининг шу жумладан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси фаолиятининг самародорлиги ушбу фаолиятнинг керакли миқдордаги ахборот билан ўз вақтида таъминланганлигига боғлиқ.

2. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир ахборотларни қуидаги субъектларга тақдим этиши лозим:

прокуратура органларини – вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида. Прокуратура органлари амалдаги қонунларнинг бир хилда ва аниқ ижро этилиши устидан назоратни амалга оширадилар. Шу жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ёки бузилаётганлиги тўғрисида ахборот асосида уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласидилар.

Прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратоётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Прокуратура органлари ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари мазкур органларнинг талабига мувофиқ бепул берилади.

вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларни – вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 12 декабрдаги «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

манфаатлари бузилганлиги тўғрисида, шунингдек вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлайдилар.

Ушбу комиссияларнинг асосий ваколатларидан бири – вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи давлат органлари ҳамда муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, улар фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш ҳисобланади. Мазкур вазифаларни тўлақонли адо этиш учун эса ушбу комиссияларга юқоридаги маълумотлар тақдим этилиши зарур.

vasiyilik va ҳomiylik organlariini – етим болалар, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган, ҳаёти ёки соғлиғига хавф түғдирадиган ёхуд таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитдаги болалар тўғрисидаги ахборот билан.

Мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими, даволаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ва бошқа муассасалар, шунингдек фуқаролар васийлик ва ҳомийлик органларига қуйидаги васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланганда:

ота-онаси вафот этган ёки суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган болалар тўғрисида;

ота-онаси ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинган болалар тўғрисида;

ота-онаси ота-оналиқ ҳуқуқлари чекланган болалар тўғрисида;

ота-онасининг тарбиясида бўлиши болалар манфаатларига зид бўлганда, шунингдек уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжуд бўлган болалар тўғрисида;

ота-онаси б ойдан ортиқ муддатда йўқ бўлган болалар тўғрисида, агар бола қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилган бўлса;

ота-онаси б ойдан кам муддатда вақтинча бўлмаган болалар тўғрисида, агар бу болаларнинг манфаатлари учун зарур бўлса;

ота-онасининг касаллиги сабабли ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисида;

ота-онаси уларни тарбиялаш, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортган болалар тўғрисида;

одам савдосидан жабрланган болалар тўғрисида;

ота-онаси номаълум бўлган ёхуд улар суд томонидан бедарак йўқолган деб эътироф этилган болалар тўғрисида;

бошқа сабабларга кўра ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этилган фуқаролар тўғрисида;

соғлигининг ҳолатига кўра ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли шахслар тўғрисида маълумотлар бериши шарт¹.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганлиги тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда иштирок этувчи асосий субъектлардан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бу борада иштирок этувчи субъект ҳисобланса-да, амалга оширадиган вазифаларнинг аҳамияти ҳамда ҳажмига кўра ваколатли субъектлардан кам бўлмаган вазифаларни адo қиласи. Айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, давлатнинг бу борадаги вазифалари асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан таъминланади.

Ички ишлар органларини – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганлар

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»-ги Низом.

тұғрисида, шунингдек вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа ғайрихуқуқий қилмишлар содир этаётган ота-оналар ва үзға шахслар ҳақида ахборот билан таъминлаш.

Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи маҳсус ваколатлы субъектлардан бири ҳисобланиб бу борада бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Жумладан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш рухида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган самарали ишларни ташкил этиш, ижтимоий жиҳатдан ҳавфли ахволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатларни содир этган вояга етмаганларга ижтимоий-педагогик ёрдам қўрсатишда юқоридаги ахборотлар талаб этилади.

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини – мунтазам равища спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши оқибатида тиббий текширувга, кузатувга ёки даволанишга муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида ахборот билан таъминлаш.

Спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равища истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш соғлиқни сақлаш органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунда гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равища истеъмол қилаётган вояга етмаганлар ва уларнинг яшаш жойи ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш талаб этилади. Шу сабабли, соғлиқни сақлаш органларининг ушбу фаолиятини ахборот билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларини – ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этган ёхуд таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равища қатнашмаётган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар тўғрисида хабардор қилиш.

Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари ўқувчиликнинг ўқув машғулотларида ўз вақтида иштирок этишларини таъминлаш, ўқув жараёни давомати тушиб кетишининг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши, мунтазам равишда ўқув машғулотларига қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг мунтазам равишда ўқув машғулотларига қатнашаётгандиклари ҳолатига ойдинлик киритиб уларни бартараф этиш юзасидан аниқ манзилли чоралар кўриши лозим.

7-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соглиги муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаши мақсадида:

таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиши вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиши учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўtkaziladigancha тадбир доирасида бўлиши мустасно;

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик восита-лари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиши учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

1. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг энг асосий субъекти – бу уларнинг ота-оналари ёки ота-оналарининг ўрнини босувчи шахслар ҳисобланади.

Амалдаги қонун хужжатларида ҳам ота-онанинг болаларга таълимтарбия беришга оид ҳуқук ва мажбуриятлари назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига кўра, Отаоналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»нинг «Ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқук ва мажбуриятлари» деб номланган 73-моддасида ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шартлиги, ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгар эканлиги, улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шартлиги ҳамда ота-она болаларининг қонун хужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши лозимлиги белгиланган. Демак, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этишлари, бу жараёнда улар асосий роль ўйнашлари қонун нормаси билан қатъий шарт этиб қўйилган. Қадимдан ҳалқимизнинг: «Қуш уйида кўрганини қиласди», деган нақлидан келиб чиқиб, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар биринчи навбатда ҳаётда ўзлари фарзандларига ўrnak бўлишлари ва уларни Ватан ривожига ҳисса қўша оладиган, жамиятга фойдали шахс сифатида тарбиялашлари муҳим аҳамият касб этади.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ўз болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳам болаларининг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш ҳисобланади.

2. Бу борада ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар қўидагиларга мажбур:

вояга етмаган фарзандларининг ўқиши вақтида, яъни уларнинг таълим олаётган муассасадаги дарс жадвалига кўра ўқув машғулотлари белгиланган вақтда ресторонлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслиқ. (Мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно).

Бунинг учун ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини улар ўқишига кетган вақтларида ҳам ўқишига борганилиги ва ўқув машғулотларида тўлиқ қатнашганлигини назорат қилишга мажбур ҳисобланади;

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик.

Бунинг учун ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар фарзандлари сутканинг барча даврларида назорат қилишлари зарур. Шунингдек, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаган фарзандларининг кийими, хонаси, сумкаси ва бошқа буюмлари ҳамда жиҳозларини текшириш, унинг нима билан машғул бўлганлиги ёки машғул эканлигини тергашга ҳақлидирлар;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Бунинг учун ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар фарзандларига нисбатан доимий равишда тарбиявий-педагогик таъсир этиш, уларнинг хулқ атворида ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга мойиллик туғилишининг олдини олишлари зарур;

вояга етмаганларнинг тунги вақтда ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа қўнгилочар (дам олиш) жойларда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг кузатувисиз бўлиши уларнинг тарбиясига жиддий салбий таъсир этиб, вояга етмаганларда ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга мойил бўлган хулқ-атворни шакллантиради.

Шунинг учун вояга етмаганларнинг тунги вақтда ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа қўнгилочар (дам олиш) жойларда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг кузатуви билангина қўйилади.

Вояга етмаган шахснинг қўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг кузатувисиз бўлишига йўл қўйганлик учун ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа қўнгилочар (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахсларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда (188²-м.) жавобгарлик назарда тутилган.

2-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМДА МУАССАСАЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

8-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига қўйидагилар киради:

вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар;

ички ишлар органлари;

таълимни бошқарии органлари ва таълим муассасалари;

васийлик ва ҳомийлик органлари;

соғлиқни сақлашни бошқарии органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

мехнат органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ҳамда муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

1. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар дейилганда, ташкилий-функционал вазифалари қаторида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш назарда тутилган органлар ҳамда муассасалар тушунилади.

2. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасида функционал вазифаларга эга бўлмаган, аммо қонун ҳужжатларига кўра, бу борадаги ваколатли органлар ҳамда муассасаларга кўмаклашувчи органлар ҳамда муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар дейилади.

3. Қуйидаги органлар ҳамда муассасалар томонидан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси амалга оширилади:

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар. Ушбу комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи органлар ҳисобланиб, улар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, хуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш мақсадида тузилади (бу ҳақда 9-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

Ички ишлар органлари. Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат. (бу ҳақда 10-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари. Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс хуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш хуқуқига эга бўлади.

Таълимни бошқариш органлари таълим соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган, таълим муассасалари фаолиятини ташкил этадиган ва бошқарадиган органлар ҳисобланади. (бу ҳақда 13-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

Васийлик ва ҳомийлик органлари. Қонун ҳужжатларига кўра, васийлик ва ҳомийлик фаолиятни амалга оширувчи органлар васийлик ва ҳомийлик органлари дейилади.

Васийлик – ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг хуқуқий шакли¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январдаги «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Ҳомийлик – ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли¹. Соғлигининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин (бу ҳақда 15-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари. Соғлиқни сақлашни бошқариш ва соғлиқни сақлаш органларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тузилмалари киради. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш вазифалари бошқа давлат органларига ҳам юклатилган.

Мехнат органлари. Бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги сиёsatни амалга оширувчи органлар ҳисобланади (бу ҳақда 17-модданинг шарҳида батафсил тўхталган).

9-модда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир чора-тадбирларни амалга оширади, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

ҳудудий комиссиялар ишини назорат қиласи ва йўналтиради, уларнинг фаолияти таҳлилини амалга оширади, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ижсобий иш тажрибасини умумлаштиради ва тарқатади, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

¹ Ўша манба.

қилиши соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириши бўйича чоратадбирлар кўради;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, уларнинг назоратсизлиги ҳамда ҳуқуқбузарлиги, ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ҳамда жойлаштириши билан боғлиқ масалаларни ўрганади ва умумлаштиради;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича келишилган ёндашувларни ишлаб чиқади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа гайриижстимоий хатти-ҳаракатларнинг профилактикаси бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқади, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, шунингдек ушбу тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

ўз ваколатига киритилган муаммоларни ҳал этиши билан боғлиқ мақсадли дастурлар лойиҳаларини ўрганади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликка, қаровсизликка, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижстимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шартшароитлар таҳлилини ўтказади;

давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратни кучайтириши, ижстимоий шерикликни ва фуқаролик жамияти институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириши чора-тадбирларини кўради;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошираётган органлар ҳамда муасса-

салар фаолиятини ўрганади, бу фаолиятни такомиллаштириши бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларнинг таклифларини кўриб чиқади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларарабо комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларарабо комиссияларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларарабо комиссиялар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларарабо комиссиялар тўғрисида»ги Низомга ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идораларарабо комиссиялар тузилмаси қўйидагилардан иборат:

вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идораларарабо комиссия;

вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар (минтақавий) комиссиялар;

вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари¹.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларарабо комиссияларнинг ваколатлари ўзининг мазмунига кўра қўйидаги уч гурӯхга бўлинади:

биринчи гурӯхга – вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифалар киради;

иккинчи гурӯхга – минтақавий ва туман (шаҳар) комиссиялари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар киради;

учинчи гурӯхга – бевосита вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларарабо комиссиялар тўғрисида»ги Низом.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссияларнинг функциялари қуидагилардан иборат:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ваколатли субъектларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ваколатли субъектларнинг бу борадаги фаолиятини ўрганиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ваколатли субъектларнинг бу борадаги фаолиятини текшириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ваколатли субъектларнинг бу борадаги фаолиятини самарали ташкил этиш ва мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш¹.

Қуидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини уларнинг самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо комиссиялар тўғрисида»ги Низом.

давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, шунингдек хукуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга имконият яратадиган шарт-шароитларни аниқлашдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш юзасидан чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

худудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш¹.

Республика комиссияси ўзига юкландган вазифалардан келиб чиқиб:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга оширади;

худудий комиссиялар ишини назорат қиласди ва йўналтиради, уларнинг фаолиятини таҳлил қиласди, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ижобий иш тажрибасини умумлаштиради ҳамда оммалаштиради, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чораларни қўради;

вояга етмаганларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларига риоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги ва хукуқбузарликлари, ота-оналар қаровисиз қолган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганади ва умумлаштиради;

манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқади;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта «Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги Низом.

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича норматив-хукукий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича тадбирлар комплексини ишлаб чиқади, шунингдек ушбу тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қиласди;

ўз ваколатига киритилган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ мақсадли дастурлар лойиҳаларини ўрганади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни таҳлил қиласди;

давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий шериклик ва фуқаролик жамияти институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш чораларини кўради;

вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша қатнашади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини ўрганади, уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг Республика комиссияси ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларини кўриб чиқади.

Республика комиссияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин¹.

Қуйидагилар минтақавий комиссияларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, вояга етмаганлар ўртасида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги Низом

назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий хатти-харакатларга имкон түғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга имконият яратаБтган шарт-шароитларни аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамкорлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

туман (шаҳар) комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш¹.

Минтақавий комиссиялар ўзларига юкланган вазифалардан келиб чиқиб:

Тошкент шаҳар, тегишли вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, болаларни жойлаштириш ва уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар;

туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг ишини назорат қиласи ва йўналтиради, уларнинг фаолиятини таҳлил қиласи, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги Низом.

давлат органлари ва ташкилотларнинг ижобий иш тажрибалари-ни умумлаштиради ва оммалаштиради, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чораларни кўради;

туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг қарорларини текширади, ноқонуний ёки асоссиз қарорларни бекор қиласди¹.

4. Қуйидагилар туманлар (шаҳарлар) комиссияларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

вояга етмаганларни тарбиялаш, ўқитиш, сақлаш (парваришлаш) шароитлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги муассасаларида вояга етмаганлар билан муомалада бўлиш юзасидан назоратни ташкил этиш;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш;

¹ Ўша манба.

хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда, шунингдек хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва бунга имконият яратадиган шарт-шароитларни аниқлашда давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳамкорлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасига оид ахборотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёхуд ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ва уларнинг майший яшаш шароитини яхшилашда ёрдам кўрсатиш, давлат ёрдамига муҳтож бошқа вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини аниқлашда кўмаклашиш, шунингдек вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилишга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ишларни амалга ошириш¹.

Туманлар (шаҳарлар) комиссиялари ўзларига юкланган вазифалардан келиб чиқиб:

халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат, маданият, спорт, ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг болаларни тарбиялаш, уларни жойлаштириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

туманлар (шаҳарлар) худудидаги вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларни келтириб чиқарувчи сабаблари ва шароитларини бартараф этиш, болаларни жойлаштириш, шунингдек уларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги Низом.

манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат ва жамоат ёрдамига мухтож вояга етмаганларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тадбирларини амалга оширади;

вояга етмаганлар, педагогик жамоалар ва жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий тарғиботни амалга оширади;

вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг майший яшаш шароитларини яхшилашга, давлат томонидан ижтимоий ёрдамга мухтож вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини аниқлашга ёрдам беради;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ комиссиялар ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади;

вояга етмаганларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини кўради¹.

Туманлар (шаҳарлар) комиссиялари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Туман (шаҳар) комиссиялари ички ишлар органлари билан биргаликда тарбиявий таъсир қилиш ёки маъмурий жазолаш чоралари кўрилган, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган, жазога шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равища озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган ёки тарбия колонияларида жазони ўтаган вояга етмаганларнинг хулқ-атворини кузатиб боришни ташкил этади, шунингдек ушбу тоифадаги вояга етмаганларнинг ҳисобини олиб боради².

Туман (шаҳар) комиссиялари, зарур бўлган ҳолларда, вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги Низом.

² Ўша манба.

жойлаштириш ёки уларни таълим муассасаларига юбориш чоратадбирларини кўрадилар.

Туман (шаҳар) комиссиялари болаларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ҳамда етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун мўлжалланган таълим муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва таълим олиш шароитлари, болаларнинг истиқомат жойларида маданий дам олишлари уюштирилиши, зарур ҳолларда, умумтаълим мактабларида, бошқа таълим муассасаларида, маданий-маърифий муассасалар ва спорт ташкилотларида вояга етмаганлар билан тарбиявий ишлар олиб борилиши юзасидан назоратни амалга оширадилар.

Вояга етмаганни хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиши муносабати билан умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасидан чиқариш фақат таълим муассасаси жойлашган туман (шаҳар) комиссиясининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Туман (шаҳар) комиссиялари ташкилотларда вояга етмаганларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинаётганиги, улар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволи, уларнинг умумтаълим, маданий ва касбий даражасини ошириш учун зарур моддий-маиший шароитлар яратиб берилганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга оширадилар.

Туман (шаҳар) комиссиялари, агар ишларни давом эттириш вояга етмаганларнинг соғлиғига хавф соладиган ёки улар учун бошқача зиён келтирадиган бўлса, вояга етмаганлар ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

Туман (шаҳар) комиссиялари мазкур туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, тарбия колонияларида, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларида ва вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш марказларида тарбиявий ишлар, умумий таълим ва касб-хунар ўқувларининг олиб борилиши, уларни сақлаш ва меҳнатининг тўғри ташкил этилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширадилар, шунингдек ушбу муассасаларга қўрсатиб ўтилган ишларни амалга оширишда ёрдам қўрсатадилар.

Туман (шаҳар) комиссиялари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари ва ташкилотларда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини назорат қилиш;

етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун таълим муассасаларида, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида, тарбия колонияларида ҳамда ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида вояга етмаганларни сақлаш ва тарбиялаш шароитларини, шунингдек ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасидаги хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларидаги ишларнинг ҳолатини текшириш;

умумтаълим мактаблари ва бошқа таълим муассасаларида, маданий-маърифий муассасаларда, шунингдек вояга етмаганлар ишлаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг ахволини текшириш;

янги уй-жой мавзелари ва туманларни қуриш лойиҳалаштирилганда ўйин ва спорт майдончалари, болалар стадионлари ва болалар дам олиш зоналари қуриш учун ер майдонлари ажратилишини назорат қилиб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлардан комиссиялар иши учун зарур маълумотларни олиш;

кўриб чиқилаётган масалалар бўйича ахборот ва тушунтиришлар олиш учун ўз мажлисларига мансабдор шахсларни, мутахассисларни ва бошқа шахсларни таклиф этиш;

комиссия мажлисларида тегишли давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг вояга етмаганларни сақлаш ва тарбиялаш шароитларига оид масалалар юзасидан ахборотларини эшлиш;

вояга етмаганларни, ота-оналарни шахсан қабул қилиш, уларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш, шахсий ҳужжатлар йиғмажилдари билан танишиш;

зарур тайёргарлик, ҳаётий тажриба ёки болалар билан ишлаш тажрибасига эга фуқароларни уларнинг розилиги билан ота-оналарга ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни қайта тарбиялашда ёрдам бериш учун жалб этиш;

вояга етмаганларнинг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги хабарлар юзасидан тегишли чоралар кўриш;

вояга етмаганлар билан тарбиявий иш олиб бориш, уларни ўқишига юбориш ва ишга жойлаштириш масалалари юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга тақдимномалар киритиш;

вояга етмаганларни афв этиш тўғрисида илтимос қилиш, уларни жавобгарликдан озод қилиш, уларга енгилроқ бўлган жазони қўллаш, уларни шартли равишда ҳукм этиш, судланганликни муддатидан

илгари олиб ташлаш тўғрисидаги тавсияномалар билан жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига мурожаат қилиш; жазони ижро этувчи орган билан биргаликда вояга етмаганларни жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига тақдимномалар киритиш; ички ишлар органи билан биргаликда озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукмнинг ижросини кечиктиришни бекор қилиш ҳамда маҳкумни ҳукмда белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун юбориш тўғрисида жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш; тарбия колониясининг маъмуриятига озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташ вақтида сақлаб туриш шароитларини ўзгартириш хақида жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш тўғрисида розилик бериш;

вояга етмаганлар билан тарбиявий иш олиб боришининг, улар касб-хунар таълимининг, уларни ишга жойлаштириш ва ўқишига юборишининг аҳволи тўғрисидаги масалаларни туман (шаҳар) ҳокимликларига кўриб чиқиши учун киритиш;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга уларнинг комиссиялар қарорларини бажармаган, шунингдек комиссиянинг тақдимномасида кўрсатилган вояга етмаганларнинг ҳуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўрмаган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимнома киритиш.

Республика комиссияси, минтақавий комиссиялар ўз функцияларини бажаришда туман (шаҳар) комиссияларининг ҳуқукларидан ҳам фойдаланадилар¹.

10-модда. Ички ишлар органлари

Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи маҳсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги Низом.

ларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан (бундан буён матнда ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази деб юритилади) иборатdir. Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола хуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги, 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни тъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли фармони, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли, «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли, «Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли қарорлари ва бошқа тааллуқли қонун ости хужжатлари асосида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этади ва амалга оширади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида Ички ишлар органларининг Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган қонун ҳужжатлари билан белгиланган тоифадаги вояга етмаганларнинг профилактик ҳисобларини юритади ҳамда улар билан якка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларни амалга оширади.

2. Ички ишлар органлари жуда кенг кўламли тизимга эга бўлиб, ички ишлар органларининг фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг

мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга оширувчи ҳар бир тузилмаси ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширади.

3. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тузилмалари ўз ваколатларининг ҳажми ва аҳамиятидан келиб чиқиб қўйидаги икки гурӯхга бўлинади:

биринчи гурӯхга – вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини қисман амалга оширувчи тузилмалари киради (тезкор-қидирав, жиноятларни тергов қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш хизматлари). Мазкур хизматлар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига тегишли бўлган вазифаларни бажаради. Лекин вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид маҳсус ваколатларга эга бўлмайди;

иккинчи гурӯхга – вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи маҳсус бўлинмалар киради ва уларнинг ташкил этилишининг асосий сабаби ҳам вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ҳисобланади.

4. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи маҳсус бўлинмаларига қўйидагилар киради:

ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари;

ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари.

11-модда. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради;

қидирав эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга

доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишили органларга ёки муассасаларга юборади;

вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишига жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа гайриҳуқуқий қилмишилар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим берши бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишили давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишили органлар ва муассасаларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириши учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлайди;

вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлари факлари, шунингдек уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишили давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабардор қиласди;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички шилар органларига олиб боради, бу ҳақда

зудлик билан баённома тузади ҳамда вояга етмаганлар келтирилганиги ҳақида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор қиласди;

вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиши (иши) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириши муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўгараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тегишли давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этади;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериши бўйича ўз мажбуриятларини бажаришидан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритади, шунингдек статистика ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йигади ва умумлаштиради;

етим болалар ҳамда ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришида васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари қонун ҳужжатларига муовифик бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

1. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари таркибида ташкил этилади.

2. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари фақатгина вояга етмаганлар билан чекланиб қолмасдан ёшлар (ўн тўрт ёшга тўлган аммо ўттиз ёшга тўлмаганлар) билан ҳам профилактик ишларни олиб боради.

3. Вояга етмаганлар ва ёшлар билан бевосита ишлаш ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторлари ҳамда транс-

портда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг ҳуқукбузарликлар профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари, гурухлари) вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқукбузарликлар профилактикаси инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Тошкент шаҳрида эса ушбу фаолият вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқукбузарликлар профилактикаси инспекторлари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика инспекторлари томонидан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

4. Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқукбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг ҳуқукбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинган.

Ушбу низомга асосан Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқукбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари қўйидагиларни амалга оширади:

вояга етмаганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш марказларига вояга етмаганлар суднинг ажрими, шунингдек ички ишлар органи ёки марказ бошлиғининг ёхуд унинг ўринbosарининг қарори асосида ҳам жойлаштирилиши мумкин, бу ҳолатда тегишли хужжатлар 48 соатдан кечиктирмасдан тайёрланади ва судга тақдим этилади;

таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож ўн бир ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун зарур хужжатлар тайёрланади ва ўн кун ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга тақдим этилади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласалар билан якка тартибдаги профилактика иши қонун хужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади;

вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқукбузарликлар, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар таҳлилларидан келиб чиқиб, улар орасида «Ўқувчи», «Давомат», «Ўсмир», «Ғамхўрлик» каби ҳуқукбузарликларнинг маҳсус профилактик тадбирлари идоравий норматив хужжатлар асосида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади;

ҳуқукбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етма-

ганлар билан илмий-амалий шарҳланаётган ушбу қонун талаблари асосида якка тартибда профилактика иши ташкил этилади ва ушбу ҳолатда якка тартибда профилактика иши олиб борилаётган шахсларга нисбатан профилактика иши юритилади;

ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борила-диган вояга етмаганлар Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 35-моддаси таъсири остига тушса, уларга нисбатан профилактика иши очилади ва Ички ишлар вазирининг бошқа идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлари асосида юритилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълимнинг узлуксизлиги, умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълимининг мажбурийлиги ҳақида вояга етмаганлар ва ота-оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Мажбурий таълимдан бош тортган вояга етмаганлар аниқланиб, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялари орқали ўқишига қайтариш чоралари кўрилади ва бошқ.

Вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган тизимли профилактик чора-тадбирлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар ва ёшлар орасида хуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишидаги фаолияти Хуқуқбузарликлар профилактикаси Бош бошқармасининг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўлими томонидан услубий таъминланади.

Вояга етмаганлар ва ёшлар орасида хуқуқбузарликлар профилактикаси ишларининг ахволи бўйича Олий ва ўрта-маҳсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ва бошқа манфаатдор идоралар билан ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви таъминланади.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;

ёшлар ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қиласди.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:

вояга етмаганлар билан хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради;

қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юборади;

вояга етмаганларни хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворига салбий таъсир қўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар

ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлади;

вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари фактлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабардор қиласди;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички ишлар органларига олиб боради, бу ҳақда зудлик билан баённома тузади ҳамда вояга етмаганлар келтирилганини ҳақида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор қиласди;

вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиши (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўғараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб бори-лаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тегишли давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этади;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритади, шунингдек статистика ҳисботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йигади ва умумлаштиради;

етим болалар ҳамда ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашади.

12-модда. Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ўз ваколатлари доирасида:

уч ёйдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соглигини муҳофаза қилиши ёки улар томонидан тақороран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кечакундуз қабул қилишини ҳамда вақтинча сақлашни таъминлайди;

олиб келинган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шартшароитларни аниқлайди ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қиласида;

вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек ушибу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириши бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қўйидаги вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин:

назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлар;

ота-она қармоғидан маҳрум бўлган ўн олти ёшгача бўлганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортши мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишида ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равшида англаб этишига қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соглигини муҳофаза қилишини таъминлаш ёки улар томонидан тақороран ижтимоий хавфли қилмишлар содир

этилишининг олдини олиши зарур бўлса, шунингдек уларнинг шахси аниқланмаган ёхуд уларнинг аниқ яшаши жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаши жойи бўлмаса ёки ўзлари ҳуқуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

ўзининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлар;

суднинг ажримига кўра ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши учун суднинг ажрими асос бўлади.

Вояга етмаган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ички ишлар органи ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлигининг ёхуд унинг ўринbosарининг қарори асосида жойлаштирилиши мумкин. Бу ҳолда вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириши заруратини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган марказга жойлаштирилганидан кейин 48 соатдан кечиктирмасдан судга юборилади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиги ёки унинг ўринbosари вояга етмаганнинг уибу марказга жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган ердаги прокурорни ва вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни зудлик билан, лекин 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қиласди.

Вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида уларни жойлаштириши учун зарур бўлган энг кам вақт давомида, лекин кўни билан ўттиз кун бўлиши мумкин. Алоҳида ҳолларда бу муддат суднинг ажрими асосида ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида вояга етмаганнинг бўлиши муддатига қўйидағилар кирмайди:

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида соглиқни сақлашини бошқарии органи томонидан эълон қилинган карантин даври;

вояга етмаганнинг соглиқни сақлаши муассасасининг ҳужжати билан тасдиқланган ва уни оиласга қайтаришига ёки тегишили муассасага юборишга тўскенилик қилаётган касаллиги даври;

суднинг илтимосномани қаноатлантириши ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши тўғрисидаги ажрими устидан берилган шикоятнинг (протестнинг) кўриб чиқилиши вақти.

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

1. Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ҳамда вояга етмаганларни қабул қилиш, вақтинча сақлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва реабилитациясини амалга оширувчи маҳсус бўлинма ҳисобланади.

Кўйидагилар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

болаларнинг ёшига хос психофизиологик мойиллуклари, қобилиятлари, қизиқишлиари, болалар ҳаёти ва соғлигини сақлаш талабларига мувофиқ тарзда вояга етмаганларнинг ижтимоий мослашуви ва реабилитацияси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича якка тартиbdаги профилактика ишларини ташкил этиш¹.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази юкланган вазифаларга мувофиқ ўз ваколатлари доирасида:

уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соғлигини муҳофаза қилиш ёки улар томонидан такроран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кеча-кундуз қабул қилишни ҳамда вақтинча сақлашни таъминлайди;

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

олиб келинган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий ҳатти-харакатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қиласи;

вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади¹.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида вояга етмаганларни сақлаш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи маҳсус шарт-шароитлар таъминланади:

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ҳудудини қўриқлаш;

вояга етмаганларнинг шахсий хавфсизлиги ва уларни салбий таъсиrlардан юқори даражада ҳимоя қилиш;

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўrсатиш маркази ҳудудига бегона шахсларнинг эркин киришини чеклаш;

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўrсатиш марказида сақланаётган вояга етмаганларнинг муассаса ҳудудидан эркин чиқишини чеклаш;

вояга етмаганларни кеча-кундуз, шу жумладан уйқу учун ажратилган вақт давомида назорат қилиш;

вояга етмаганларни шахсий текширувдан ўтказиш, уларнинг буюмларини, улар олаётган ва юбораётган посилка ва бошқа почта жўнатмаларини текширувдан ўтказиш².

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўrсатиш марказида сақланаётган вояга етмаганлар белгиланган тартибда қўйидаги ҳуқуқлар билан таъминланади:

ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни ўзининг вояга етмаганлар мазкур муассасага олиб келинганлиги ёки жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан юқори органларга, вояга етмаганлар ишлари

¹ Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўrсатиш марказлари тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

² Ўша манба.

бўйича идоралараро комиссияларга, прокуратура органлариға ёки судга шикоят қилиш;

ўзи билан ўзгаларнинг одамнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муомалада бўлиши;

чекланмаган миқдорда телефонда сўзлашувлар, бошқа алоқа воситалари орқали мулоқотлар ҳамда учрашувлар воситасида оиласи билан боғланиб туриш, посылкалар, бандероллар, йўқловлар олиш, хат ва телеграммалар олиш ҳамда жўнатиш;

тасдиқланган нормалар бўйича бепул овқат, кийим-кечак, пойабзal ва бошқа ашёвий таъминот буюмларини олиш¹.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида таъминланиши давлат таъминоти асосида қонун ҳужжатлариға мувофиқ амалга оширилади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақланаётган вояга етмаганларни озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзal, бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш нормалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Вояга етмаганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ва мазкур марказ жойлашган ҳудуддаги соғлиқни сақлаш муассасасининг штатдаги тиббиёт ходимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминланади.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақланаётган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишлари, уни олиб бориш асослари мавжуд бўлган тақдирда, улар марказда бўлган тўлиқ вақт давомида олиб борилади.

Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходимлари:

вояга етмаганнинг турмуш тарзи, алоқалари ва ниятини, унинг шахсий фазилатлари, қизиқишлиари, ўзбошимчалиқ билан ўқишни тўхтатиш, оиладан, таълим муассасаларидан кетиб қолиши сабабларини аниқлайдилар;

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

жиноят содир этганлик ҳолатларини, уни содир этишда қатнашган шахсларни, вояга етмаганларни хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатларни содир этишга жалб қилиш ҳолатларини, вояга етмаганларга нисбатан ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этилганлик ҳолатларини аниқлайдилар;

вояга етмаганларни хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўрадилар;

вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайдилар ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритадилар;

вояга етмаганга хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этишининг оқибатларини тушунтирадилар, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўрадилар;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида манфаатдор давлат органларини ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларини хабардор қиласидилар;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда вояга етмагани сақлаш, тарбиялаш, унга таълим бериш, унинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш, ишга жойлашиши ва турмушини йўлга қўйишида ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал этадилар¹.

Шахси аниқланмаган вояга етмаган ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига олиб келинган ҳолларда ижтимоий-хуқуқий ёрдам

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

кўрсатиш маркази ходимлари ундаги мавжуд ҳужжатлар бўйича, ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб, шунингдек тегишли ички ишлар органлари, бошқа ташкилотларга сўровномалар юбориш, вояга етмаганни топиб олиш шароитлари, юриш йўли, транспорт тури, тахминий яшаш жойлари, кун кечириш учун зарур пул маблағлари ва манбалари ҳамда шахси-ни аниқлаш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаш йўли билан вояга етмаганнинг шахсини аниқлаш чораларини қўрадилар.

Вояга етмаганнинг шахси аниқланганидан сўнг бир сутка мобайнида ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходимлари тегишли ички ишлар органларига, ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, манфаатдор давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига вояга етмаганнинг жойи ҳақида маълумотлар юборадилар.

Якка тартибдаги профилактика ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи томонидан тегишли буйруқ чиқариш йўли билан рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслари бўлган вояга етмаганлар оиласига қоидага кўра, ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходимлари кузатувида қайтарилади ёхуд вояга етмаганларни олиб кетиши учун келган ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга бериб юборилади.

Вояга етмаганлар, шунингдек ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг олиб кетиши учун белгиланган тартибда розилигини олган қариндошларига ёки бошқа шахсларга бериб юборилиши ҳам мумкин.

Доимий яшаш жойига эга ўн олти ёшга тўлган ва ундан катта ёшдаги вояга етмаганлар ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғининг ёзма рухсатномасига биноан мустақил равишда ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар олдига юборилиши мумкин.

Истиқомат қилиш (жойлаштириш) жойига юборилаётган вояга етмаганлар бепул йўлкира чиптаси, белгиланган нормаларда йўл учун озиқ-овқат ёки пул маблағлари билан таъминланади. Зарурат бўлганда вояга етмаганларга алоҳида кийим-кечак ва пойабзал буюмлари берилиши мумкин.

Вояга етмаганнинг яшаш учун зарур шароитлар йўқлиги ёки бошқа сабабларга кўра яшаш жойига қайтиш имкони бўлмаган тақдирда, ижтимоий-хуқуқий ёрдам бериш маркази бошлиғи бу ҳақда

уни жойлаштириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун унинг яшаш жойи бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга маълум қиласи, васийлик ва ҳомийлик органлари билан биргалиқда вояга етмаганни жойлаштириш чораларини қўради.

Масъул шахслар томонидан ижтимоий-хукуқий ёрдам бериш марказига жойлаштирилган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмаганлиги ёки ўз вақтида кўрилмаганлигининг барча ҳолатлари бўйича дарҳол прокурор ва ушбу марказ жойлашган жой бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия хабардор қилинади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига, етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларига ёки бошқа болалар муассасаларига жойлаштирилиши лозим бўлган вояга етмаганлар ушбу муассасаларга тегишли равишда таълим, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан тақдим этиладиган йўлланмалар бўйича юборилади.

Ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақланаётган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарқ этган вояга етмаганлар, агар ушбу муассасалар ёки ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказлари турли вилоятларда жойлашган бўлса, ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходимлари кузатувида ёки агар ушбу муассасалар ва ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказлари битта вилоятда жойлашган бўлса, муассаса вакиллари кузатувида қайтарилади¹.

Кўрсатиб ўтилган муассасаларнинг вакиллари вояга етмаган топилганлиги ҳақидаги хабарнома олингандан сўнг уч кун мобайнида ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказига етиб келиши керак.

Вояга етмаганларни ота-онасига ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органлари, таълим муассасалари ёки бошқа болалар муассасалари вакилларига топшириш вояга етмаганни топшириш ҳақидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

Ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришда вақтинчалик сақлаб туриш учун олинган пуллар, хужжатлар, шахсий

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

ашёлар ва бошқа буюмлар тилхат билан ота-оналарга, ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органлари, таълим муассасаси ёки бошқа болалар муассасаси вакиллариға топширилади.

Транспорт ички ишлар органлари ходимлари вояга етмаганларни кузатаётган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходимлариға йўлкира чипталарини олишда ёрдам кўрсатади, вояга етмаганларни бир транспортдан бошқа транспортга ўтиш чоғида ва йўлнинг охирги пунктларида қўриқлашга қўмаклашади, кузатув вақтида қочиб кетган вояга етмаганларни қидириш чораларини кўради.

Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходимлари томонидан истиқомат қилиш (жойлаштириш) жойига кузатиб бориши тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Республика ҳудудига бошқа давлатлардан келган ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилган вояга етмаганларни улар яшайдиган давлатларга қайтариш тартиби Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланади.

13-модда. Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари Таълимни бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини шакллантиришига, уларга ахлоқ ва соглом турмуши тарзи асосларини сингдиришига йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишилаб чиқади ва таълим муассасаларининг иши амалиётига жорий этади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг, шунингдек вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштиришига доир чора-тадбирларни амалга оширади;

таълим муассасаларидаги машгулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритади, уларнинг умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълим олишига доир чора-тадбирларни кўради;

вояга етмаганларга ўз ҳаёт йўлини ва касб-ҳунар танлашида уларнинг қобилияти, қизиқиши, мойиллиги ҳамда соғлигининг ҳолатига мувофиқ психологик ёрдам кўрсатади;

ривожланишида ёки хулқ-авторида нуқсони бўлган вояга етмаганларни аниқлайдиган, уларни комплекс текширувдан ўтказадиган

ҳамда уларнинг келгусидаги таъминоти, тарбияси ва таълими шаклларини белгилаш бўйича тавсиялар тайёрлайдиган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тузади;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;

таълим муассасаларида оммабон спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил этилишини ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишига жалб этишини таъминлайди, вояга етмаганларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишида қатнашади.

Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

ривожланишида ёки хулқ-авторида нуқсони ёхуд ўқишида муаммолари бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-психологик ҳамда педагогик ёрдам кўрсатади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек таълим муассасаларида машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди, уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга доир чоратадбирларни кўради;

таълим муассасаларида оммабон спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил қиласди ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишига жалб этади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласарни аниқлайди ҳамда ушибу оиласарга ўз болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини шакллантиришига, уларга ахлоқ ва соғлом турмуши тарзи асосларини сингдиришига йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни амалга оширишига доир чора-тадбирларни кўради.

Етим болалар ва ота-она қармогидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларнинг ота-онаси вафот этган, уларнинг ота-оналари ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилган, улар ота-оналарининг ота-оналиқ ҳуқуқи чекланган, ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб топилган, ота-онаси касал бўлган, ота-онаси узоқ муддат бўлмаган, ота-онаси болаларини тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишидан бўйин товлаган ҳолларда, шу жумладан ота-онаси ўз болаларини таълим муассасаларидан, соғлиқни сақлаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий

муҳофаза қилиши муассасаларидан ва бошқа муассасалардан олишидан бош тортган тақдирда, шунингдек болалар ота-онаси қармогидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, келгусида уларни жойлаштириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қабул қиласди;

кам таъминланган, кўп болали оиласаларнинг вояга етмаган болаларини, фақат отаси ёки онаси бор бўлган вояга етмаганларни ушибу оиласаларни ижстимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш учун қабул қиласди;

мазкур муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиншини таъминлайди;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришида иштирок этади.

Таълимни бошқарии органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунинг 17-моддасида кўрсатилган ваколатлар доирасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 372-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида»ги низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тўғрисида»ги Низом ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этади ва амалга оширади.

2. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

таълим оловчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

таълим оловчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

таълим олувчиларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

таълим олувчилар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

таълим олувчиларнинг бандлигини ва бўш вақти мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ҳаммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўгараклар, клублар ташкил этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласида.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ички ишлар органларига:

ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳақида;

одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;

таълим олувчи шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;

ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

(Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маҳсус ваколатлари 14 ва 15-моддаларнинг шаҳрида баён этилган).

14-модда. Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-хўнар коллежлари киради.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ўн бир ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериши учун алоҳида шароитларга муҳтож вояга етмаганлар қўйидаги ҳолларда уч ийлдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин, агар улар:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиши мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишида ўз ёшига

нисбатан анча орқада қолишии оқибатида содир этган қилмиишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаган бўлса;

айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга кўриб чиқши учун топширилган бўлса;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириши тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган бўлса;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишини давом эттираётган бўлса.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириши учун қуийидагилар асос бўлади:

ушибу модда иккинчи қисмининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган вояга етмаганларга нисбатан ушибу Қонунга мувофиқ чиқарилган суд ажрими;

ушибу модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисида кўрсатилган вояга етмаганларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ чиқарилган суд ажрими.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ушибу муассасаларда сақлаши, тарбиялаши ва таълим бершига тўскىнлик қиласидан касаллиги бўлган вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин эмас.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлаши, тарбиялаши ва уларга таълим бершига тўскىнлик қиласидан касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаши вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларни ўқитишини, уларнинг касб-хунар тайёргарлигини ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширади;

вояга етмаганларни сақлашнинг мазкур муассасалар ҳудудини қўриқлашни, вояга етмаганларнинг шахсий хавфсизлигини ва салбий таъсирлардан ҳимояланганлигини, ушибу муассасалар ҳудудига бегона шахсларнинг эркин киришини, бу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг эркин чиқишини чеклашни ўз ичига олган маҳсус шарт-шароитларини таъминлайди;

вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларни ўзбошимчалик билан тарқ этиши ҳолатлари тўғрисида ушибу муассасалар жойлашган ердаги ва вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги ёки турган жойидаги ички ишлар органларини хабардор қиласидан ҳамда ички ишлар орган-

лари билан биргаликда уларни топшиш ва мазкур муассасаларга қайтаришга доир чора-тадбирларни күради;

вояга етмаганларнинг яшаши жойидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга вояга етмаганларнинг ушибу муассасалардан чиқарилаётганлиги тўғрисидаги хабарномаларни, шунингдек вояга етмаганларга оид тавсифномаларни уларни чиқаришдан камида бир ой олдин юборади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари мазкур муассасалар жойлашган ердаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга қуйидаги масалалар юзасидан тақдимномалар киритади:

вояга етмаганларни бошқа ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ўтказиши;

вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларда бўлишини суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин, агар улар хулқ-автори тузалганлиги сабабли ушибу таъсир чорасини қўллашини давом эттиришга муҳтож бўлмаса ёки соғлиги ҳолатига кўра бу муассасаларда бўла олмаса, тугатиш;

вояга етмаганларни ўқитишини тамомлаш зарур бўлган тақдирда, уларнинг ушибу муассасаларда бўлиши муддатини узайтиши.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

1. Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари таълим муассасалари ҳисобланиб вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи маҳсус ваколатли субъектлар ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон қарори билан тасдиқланган «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисида»ги ҳамда «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи тўғриси»ги Низомларга асосан тартибга солинади.

3. Ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасалари Ихтисослаштирилган мактаб ва Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига

ажратилган бўлиб, мазкур муассасага алоҳида тарбияланишга муҳтоҷ бўлган мактабга 11-14 ёшли, касб-хунар коллежига 14-18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар жойлаштирилади.

4. Қўйидагилар ихтисослаштирилган мактабнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

баркамол, жисмоний ва руҳий соғлом шахсни тарбиялаш, болаларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, масъулиятлилик, мустақиллик ва комил инсон бўлишга интилиш туйғусини шакллантириш;

болаларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик мойиллеклари, қобилиятлари, қизиқишиларига, болалар ҳаёти ва соғлигини сақлаш талабларига мувофиқ тарзда уларнинг ақлий, эмоционал ва жисмоний ривожланишига кўмаклашувчи психологик, тиббий ва ижтимоий реабилитациясини таъминловчи чора-тадбирларни амалга ошириш;

болаларнинг давлат таълим стандартлари асосида умумий ўрта таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш;

тарбияланувчиларда қонунга итоаткорликни шакллантириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беришга йўналтирилган дастур ва методик қўлланмаларни рўёбга чиқариш чора-тадбирларини амалга ошириш¹.

5. Ихтисослаштирилган мактабда тарбияланувчиларни таъминлаш бўйича қўйидагиларни назарда тутадиган маҳсус шарт-шароитлар таъминланади:

ихтисослаштирилган мактаб ҳудудини қўриқлаш;

тарбияланувчиларнинг шахсий хавфсизлигини ва салбий таъсирлардан юқори даражада ҳимоя қилиш;

ихтисослаштирилган мактаб ҳудудига бегона шахсларнинг эркин киришини чеклаш;

ихтисослаштирилган мактабда тарбияланаётганларнинг унинг ҳудудидан эркин чиқишини чеклаш;

тарбияланувчиларни кеча-кундуз, шу жумладан уйқу учун ажратилган вақт давомида назорат қилиш;

тарбияланувчиларни шахсий текширувдан ўтказиш, уларнинг буюмларини, шунингдек улар олаётган ва юбораётган посилка ва бошқа почта жўнатмаларини текширувдан ўтказиш².

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон қарори билан тасдиқланган «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтоҷ болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

² Ўша жойда.

6. Ихтисослаштирилган мактабга ўн бир ёшдан ўн олти ёшгача (умумий ўрта маълумот олишни тугалламаган) бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтоҷ вояга етмаганлар қуидаги ҳолларда жойлаштирилиши мумкин, агар улар:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг моҳиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган бўлса;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса.

7. Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган мактабга қабул қилиш суд ажрими асосида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этиладиган йўлланмалар бўйича амалга оширилади.

8. Ихтисослаштирилган мактабда тарбияланувчилар ўн олти ёшга тўлгунларига қадар сақланиши мумкин. Истисно ҳолларда тарбияланувчиларнинг ихтисослаштирилган мактабда бўлиши улар 17 ёшга тўлгунларига қадар узайтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар ихтисослаштирилган мактабда хулқи тузалгунига қадар бўладилар, бироқ уч йилдан ортиқ эмас.

Ихтисослаштирилган мактаб жойлашган жой бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссияси тарбияланувчига жорий ўқув йилида тегишли синфни тамомлагунига қадар уч йиллик муддат тамом бўлгунгача кўрсатиб ўтилган муассасада қолишга рухсат бериши мумкин.

Ихтисослаштирилган мактабнинг ўн беш ёшга тўлган (умумий ўрта маълумот олишни тугаллаган), бироқ ўз хулқини тузатмаган тарбияланувчилари бундай мактаблар жойлашган жой бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссияси томонидан ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларига юборилиши мумкин.

Тарбияланувчиларнинг ихтисослаштирилган мактабда бундан кейин бўлишларининг мақсадга мувофиқ-номувофиқлиги масаласи вақти-вақти билан, лекин йилига камида бир марта ушбу муассасалар жойлашган жойдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари томонидан мазкур комиссияларнинг ўз ташаббуси билан, ихтисослаштирилган мактаб маъмуриятининг тақдимномаси ёки вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар илтимосига биноан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатда назарда тутилган, вояга етмаганларнинг ихтисослашган ўқув-тарбия муассасаларида сақланиши, тарбияланishi ва таълим олишига тўсқинлик қиласидиган жисмоний нуқсонлари ва касалликлари бор вояга етмаганлар ихтисослашган мактабга жойлаштирилиши мумкин эмас.

Ихтисослаштирилган мактаб тарбияланувчилари белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқлар билан таъминланади:

ота-онасини ёки ота-онаси ўрнини босувчи шахсларни ўзининг кўрсатиб ўтилган муассасага олиб келинганлиги ёки жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан юқори органларга, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга, прокуратура органларига ёки судга шикоят қилиш;

одамнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муомалада бўлиш;

чекланмаган микдорда телефонда сўзлашувлар, бошқа алоқа воситалари орқали мулоқотлар ҳамда учрашувлар воситасида оиласи билан алоқада бўлиш, посылкалар, бандероллар, йўқловлар олиш, хат ва телеграммалар олиш ҳамда жўнатиш;

тасдиқланган нормалар бўйича бепул овқат, кийим-кечак, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмларини олиш¹.

9. Куйидагилар ихтисослаштирилган касб-хунар коллежининг асосий вазифалари ҳисобланади:

баркамол, жисмоний ва руҳий соғлом шахсни тарбиялаш, болаларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, масъулиятлилик, мустақиллик ва комил инсон бўлишга интилиш туйғусини шакллантириш;

болаларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик мойилликлари, қобилиятлари, қизиқишлиярига, болалар ҳаёти ва соғлигини сақлаш талабларига мувофиқ тарзда уларнинг ақлий, эмоционал ва жисмоний ривожланишига кўмаклашувчи психологик, тиббий ва ижтимоий реабилитациясини таъминловчи чора-тадбирларни амалга ошириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон қарори билан тасдиқланган «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтоҷ болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

болаларнинг давлат таълим стандартлари асосида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олиши учун шарт-шароитлар яратиш;

тарбияланувчиларда қонунга итоаткорликни шакллантиришга, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беришга йўналтирилган дастур ва методик қўлланмаларни рўёбга чиқариш чора-тадбирларини амалга ошириш¹.

10. Ихтисослаштирилган касб-хунар колледжида тарбияланувчиларни таъминлаш бўйича қўйидагиларни назарда тутадиган маҳсус шарт-шароитлар таъминланади:

ихтисослаштирилган касб-хунар колледжи ҳудудини қўриқлаш;

тарбияланувчиларнинг шахсий хавфсизлигини ва салбий таъсирлардан юқори даражада ҳимоя қилиш;

ихтисослаштирилган касб-хунар колледжи ҳудудига бегона шахсларнинг эркин киришини чеклаш;

ихтисослаштирилган касб-хунар колледжида тарбияланаётганларнинг унинг ҳудудидан эркин чиқишини чеклаш;

тарбияланувчиларни кеча-кундуз, шу жумладан уйқу учун ажратилган вақт давомида назорат қилиш;

тарбияланувчиларни шахсий текширувдан ўтказиш, уларнинг буюмларини, улар олаётган ва юбораётган посилка ҳамда бошқа почта жўнатмаларини текширувдан ўтказиш.

11. Ихтисослаштирилган касб-хунар колледига ўн беш ёшдан (умумий ўрта маълумот олишни тугаллаганлар) ўн саккиз ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож вояга етмаганлар қўйидаги ҳолларда жойлаштирилиши мумкин, агар улар:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг моҳиятини тўлиқ англаб этишга қодир бўлмаган бўлса;

кўриб чиқиш учун материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга берган ҳолда уларнинг айбордорлиги масаласини ҳал қилмасдан жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон қарори билан тасдиқланган «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган касб-хунар колледжи тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

уларни ихтисослашган ўқув-тарбия муассасалариға жойлаштириш тарзидаги мажбурий чоралар қўлланган ҳолда жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса¹.

12. Суд ажрими вояга етмаганларни ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига жойлаштириш учун асос ҳисобланади.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига қабул қилиш суд ажрими асосида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тақдим этиладиган йўлланмалар бўйича амалга оширилади.

13. Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига йўлланадиган ҳар бир вояга етмаган бола учун ички ишлар органларининг мансабдор шахслари (маҳсус ваколатга эга бўлган профилактикаси инспекторлари) томонидан ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходими кўмагида шахсий ҳужжатлар йиғмажилди расмийлаштирилади.

14. Тарбияланувчилар ва педагог ходимлар ихтисослаштирилган касб-хунар коллежида таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи тарбияланувчилари белгиланган тартибда қуидаги ҳуқуқлар билан таъминланади:

ота-онаси ёки ота-онаси ўрнини босувчи шахсларни ўзининг кўрсатиб ўтилган муассасага олиб келинганлиги ёки жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан юқори органларга, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга, прокуратура органлариға ёки судга шикоят қилиш;

одамнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муомалада бўлиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон қарори билан тасдиқланган «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтоҷ болалар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

чекланмаган микдорда телефонда сўзлашувлар, бошқа алоқа воситалари орқали мулоқотлар ҳамда учрашувлар воситасида оиласи билан алоқада бўлиш, посылкалар, бандероллар, йўқловлар, хат ва телеграммалар олиш ҳамда жўнатиш;

тасдиқланган нормалар бўйича бепул овқат, кийим-кечак, пойабзal ва бошқа ашёвий таъминот буюмларини олиш¹.

15. Педагог ходимлар қуидагиларга мажбур:

болаларни юқори профессионал даражада ўқитиш ва тарбиялаш, ўз касбий кўникмаларини ва педагоглик маҳоратини доимий равишда такомиллаштириб бориш;

педагог ахлоқ-одобига риоя этиш, боланинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш, болаларни тазийиқдан ҳимоя қилиш, уларни меҳнатга, ота-онага ҳурмат, атроф мухитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш².

15-модда. Васийлик ва ҳомийлик органлари

Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз ваколатлари доирасида:

етим болаларни, ота-онаси қармоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади ҳамда ота-она қармоғидан маҳрум бўлганликнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, болаларни жойлаштириши шаклларини танлайди, шунингдек уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитлари устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни белгилашга доир чора-тадбирларни кўради;

ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасаррүф этиши ҳуқуқини чеклаб қўйши ёки уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожсаат қиласи, бундан вояга етмаганнинг белгиланган тартибда тўла ҳажсмда муомала лаёқатини олиши ҳоллари мустасно;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришида иштирок этади;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон қарори билан тасдиқланган «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтоҷ болалар учун ихтисослаштирилган касбхунар коллежи тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

² Ўша манба.

ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиши тўғрисида даъволар қўзгатади;

ота-оналик ҳуқуқини чеклаш ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиши тўғрисидаги, шунингдек ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ҳақида-ги ишларни судларда кўриб чиқишда иштирок этади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

1. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бунда васийлар ва ҳомийлар қўйидаги бир бири билан боғлиқ бўлган икки функцияни бажаради:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларга васий, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларга эса ҳомий бириклирилади.

Туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари васийлик ва ҳомийлик соҳасида ўз ваколатлари доирасида:

етим болаларни ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритадилар. Бунда етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни ўз вақтида аниқлаш, ҳисобга олиш ва жойлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг маҳсус тайинланган мутахассиси томонидан амалга оширилади;

етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидағи маълумотларнинг ахборот базасини юритадилар, маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этадилар, шунингдек давлат статистика ҳисботини тегишли давлат статистика органига қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда ва муддатларда тақдим этадилар;

етим болаларнинг ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдилар;

vasiy ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган ҳамда васийларга ва ҳомийларга қўйиладиган талабларга мос бўлган шахсларни танлашни ҳамда ҳисобга олишни амалга оширадилар;

етим болаларни ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни, шунингдек уларнинг мол-мулкининг бут сақланишини таъминлайдилар;

vasiylikdagi ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилларини юритадилар;

vasiylar ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга оширадилар, уларга вasiylikdagi ёки ҳомийликдаги шахсларни тарбиялашда, тиббий кузатувини ташкил этишда ёрдам кўрсатадилар;

vasiylikni ёки ҳомийlikni тугатиш тўғрисида, vasiylarни ёки ҳомийlарни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш хақида туман, шаҳар ҳокимиға илтимосномалар киритадилар;

боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид пайдо бўлган ҳолларда уни ота-онасидан ёхуд ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйиш чораларини кўрадилар;

давлат муассасаларига (интернатларга) жойлаштириладиган балоғатга етмаганларнинг ҳисобини олиб борадилар ва ҳужжатларини тайёрлайдилар;

ота-оналар ва болалар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган ҳолларда болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлайдилар;

белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этадилар, судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида, шунингдек, ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда иштирок этадилар;

vasiylikdagi ёки ҳомийlikdagi шахсларга маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласадилар¹.

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида вasiylik ва ҳомийlik тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар аниқланган ҳолларда васийлик ёки ҳомийлик органлари вояга етмаганларга васий ва ҳомий биритириш масаласини ҳал қиласди.

Вояга етмаганларга қуидаги ҳолларда васийлик ёки ҳомийлик органлари томонидан васий ва ҳомийлар биритирилади:

ота-онаси вафот этганда ёки суд томонидан вафот этган деб эълон қилинганда;

ота-онаси суд қарори билан ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум этилганда ёки уларнинг ота-оналиқ ҳуқуқи чекланганда;

ота-онаси икки ойдан ортиқ касал бўлиши оқибатида ўзларининг ота-оналиқ мажбуриятларини бажара олмагандан;

ота-онаси суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

ота-онаси яшаш жойида вақтинча бўлмагандан, агар бола улар томонидан олти ойдан ортиқ муддатга қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилган бўлса;

ота-онаси яшаш жойида олти ойдан кам муддатга вақтинча бўлмагандан, агар бола улар томонидан қариндошларининг ёки бошқа яқин кишиларининг васийлигида ёки ҳомийлигида ва назоратида қолдирилган бўлса, агар васийлик ёки ҳомийлик боланинг манфаатлари учун зарур бўлса;

ота-онаси бедарак йўқолганда;

ота-онаси болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлагандан, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш муассасалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари ва шунга ўхшаш муассасалардан боласини олишдан бош тортганда, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда¹.

Ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган ота-онаси бўлган вояга етмаган болага, агар ота-онаси билан туриши ушбу шахснинг қонуний манфаатларига жавоб бермаслиги ҳамда унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун бевосита таҳдид мавжудлиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланганда васий ёки ҳомий тайинланиши мумкин.

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Васийлар ва ҳомийлар қуидагиларга мажбур:

ўзининг яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилиш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни тарбиялаши, унинг таъминоти, соғлиғи, жисмоний, рухий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, шунингдек унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олиши учун шароитларни таъминлаш;

алиментлар, пенсиялар, нафақалар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ижтимоий тўловлар тўлашни талаб қилиш юзасидан зарур чоралар кўриш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг ўзларига топширилган мол-мулкини асраб-авайлаши, мол-мулкнинг қиймати пасайишига йўл қўймаслиги ҳамда ундан фойда чиқаришга имкон туғдирмаслик;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсларнинг мулкий ҳуқуқларига дахл қиласидан ҳаракатларни амалга оширишда васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатларини олиш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг мол-мулкини бошқаришдан тушган даромадлардан ва бошқа мавжуд маблағларидан унинг таъминоти учун фойдаланиш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахснинг парвариш қилинишини, тиббий кузатувини ва даволаш-профилактика муассасаларида даволанишини таъминлаш;

васийлик ва ҳомийлик органларига ўз мажбуриятларининг бажарилиши ҳақида ҳисботлар тақдим этиш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахс стационарда даволаниш учун жойлаштирилганлиги ҳақида васийлик ва ҳомийлик органларини хабардор қилиш;

агар фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишга ёки муомала лаёқати чекланганлигига доир асослар бекор бўлган бўлса, ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги шахсни муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш;

ўз васийлигидаги ёки ҳомийлигидаги вояга етмаган шахс билан бирга яшаш¹.

¹ Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Васийлик ва ҳомийлик органи васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариши юзасидан йилига камида икки марта назоратни амалга оширади, уларга васийлик ёки ҳомийлиқдаги шахсларни тарбиялашда, уларнинг тиббий қузатувини ташкил этишга, таълим муассасаларига ҳамда ишга жойлаштирилишида ёрдам кўрсатади.

Васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилиши юзасидан назорат васийлиқдаги ёки ҳомийлиқдаги шахсларнинг ёхуд васийларнинг ёки ҳомийларнинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

Васий ёки ҳомий ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилган ҳолларда, уларни ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги қарор туман, шаҳар ҳокими томонидан васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномаси асосида қабул қилинади.

Вояга етмаганнинг, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаронинг васийси ёки ҳомийси ўз мажбуриятларини бажаришдан четлаштирилган тақдирда, васийлиқдаги ёки ҳомийлиқдаги шахснинг истаги инобатга олинган ҳолда унга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа васий ёки ҳомий тайинланади ёхуд жойлаштиришнинг бошқа шакли белгиланади.

Васийлиқдаги ёки ҳомийлиқдаги шахслар васийнинг ёки ҳомийнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан тегишли васийлик ва ҳомийлик органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

Васийлик ёки ҳомийлиқдаги шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилганлиги тўғрисида, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида ўзига маълум бўлиб қолган шахслар бу ҳақда васийлиқдаги ёки ҳомийлиқдаги шахснинг ҳақиқатда турган жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт. Бундай маълумотларни олган васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар васийлик ёки ҳомийлиқдаги шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир зарур чоралар кўриши шарт.

Васий ёки ҳомий ўз зиммасига юкланган мажбуриятлардан ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фойдаланганда, васийлиқдаги ёки ҳомийлиқдаги шахсни назоратсиз ва зарур ёрдамсиз қолдирганда, васийлик ва ҳомийлик органлари уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун зарур чораларни кўриши шарт.

Васийлик ва ҳомийлик органлари васийликдаги ёки ҳомийликда-ги шахсдан ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли етка-зилган мулкий заарнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қопланишини васий-дан ёки ҳомийдан талаб қилиши шарт, васийлик ёки ҳомийлик туга-тилганда эса васийликдаги ёки ҳомийликдаги муомалага лаёқатли шахс талаб қилишга ҳақли.

Васий ёки ҳомий томонидан васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини сақлашга ва васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкини бошқаришга доир мажбуриятлар бажарилма-ганда ёки лозим даражада бажарилмагандаги (мол-мулкни яроқсиз ҳолга келтириш, лозим даражада сақламаслик, мол-мулкни белгиланган мақсад учун сарфламаслик, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс мол-мулкининг қиймати пасайишига сабаб бўлган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш ва бошқалар) васийлик ва ҳомий-лик органи бу ҳақда далолатнома тузиши ҳамда васийга ёки ҳомийга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсга етказилган мулкий заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида талабнома тақдим этиши шарт.

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахслар васийнинг ёки ҳомийнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан тегишли васийлик ва ҳомий-лик органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

Васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилганлиги тўғрисида, уларнинг ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида ўзига маълум бўлиб қолган шахслар бу ҳақда васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳақиқатда турган жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт. Бундай маълумотларни олган васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир зарур чоралар кўриши шарт.

16-модда. Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босув-чи шахслар ўртасида санитария-гигиена билимларини кенг ёйшини, шунингдек соғлом турмуши тарзи тарзиб қилишини ташкил этади;

вояга етмаганлар ўртасида алкогольизм, чекиши, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик ҳамда уларнинг хулқ-авторидаги шу билан бөглиқ

нуқсонларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқилишии ва амалга оширилишини таъминлайди;

вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиши, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг тарқалиши тўғрисида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларни хабардор қиласди;

уч ёшгача бўлган адашиб қолган, ташлаб кетилган ва ота-онаси қармоғидан маҳрум бўлган бошқа болаларни кеча-кундуз қабул қилиши ҳамда парваришилашини амалга оширади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга, шунингдек вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга маслаҳат ёрдамини кўрсатади;

алкоголь таъсирида маст ҳолатда бўлган ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган вояга етмаганларни кеча-кундуз қабул қилишини амалга оширади ва уларга тиббий ёрдам кўрсатади;

ривожланшида ёки хулқ-авторида нуқсони бўлган вояга етмаганларга ихтисослаштирилган ташхис ҳамда даволаш-тиклиш ёрдамини кўрсатади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юборилаётган вояга етмаганларнинг соглиги тўғрисида белгиланган тартибда хulosалар тайёрлайди;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириши ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишини ташкил этади;

жинсий йўл билан юқтириладиган касалликларнинг манбаларини аниқлаш, ушбу касалликларга чалинган вояга етмаганларни текшириши ва даволашини ташкил этади.

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оиласарга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишининг замонавий услублари ва технологияларидан фойдаланаади;

вояга етмаганларнинг дам олишини, ижтимоий муассасаларда ташкил этилган тўғаракларда ёки марказларда ижодий қобилиятини ривожлантиришини ташкил этишда иштирок этади;

ногирон болаларни тиббий-ижтимоий ёрдам билан таъминлайди, ногирон болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматларининг комплекс тармоқларини ривожлантиради;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришида иштирок этади.

Соғлиқни сақлашни бошқариши органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Соғлиқни сақлаш органлари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида»ги Низом ва бошқа қонун ҳамда қонун ости ҳужжатлари асосида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этади ва амалга оширади. Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёхвандлик ва сурункали ичкиликбозлиқ, ОИТС ва ОИВнинг олдини олиш борасидаги профилактик тадбирларни амалга ошириб бориб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 21 ноябрдаги «Хуқуқбузарликлар фактлари ҳамда хуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қўшма (36/18/49/56) қарор асосида ички ишлар органларига ижтимоий аҳамиятли ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги, баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганлиги, одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оиласий-маиший низолар тўғрисида ва оиласий-маиший муносабатлар соҳасидаги хуқуқбузарликлар, вояга етмаган шахс ғайри-ижтимоий хулқ-атворга ва хуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида хабарларни етказиб бериш орқали вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этади.

Соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қўйидаги маҳсус ваколатларни амалга оширади:

худудий ва бошка тузилмалари орқали аҳолига бепул тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг давлат томонидан кафолатланган даражаси ва сифатини таъминлаш, аҳоли ўртасида валеологик чоратадбирларни амалга оширади, аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўртасида санитария-гигиена билимларини кенг ёйишни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;

вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёхвандлик ва заҳарвандлик ҳамда уларнинг хулқ-авторидаги шу билан боғлиқ нуқсонларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди. Бунда таълим муассасалари;

муайян ҳудудларда, таълим муассасаларида вояга етмаганлар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёхвандлик ва заҳарвандликнинг тарқалиши динамикаси, ҳолати ҳамда уларнинг олдини олиш масалалари тўғрисида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларни хабардор қиласида ва тегишли таклифлар киритади, чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

амалдаги қонун ҳужжатларига кўра уч ёшдан ошган яшаш жойи номаълум бўлган вояга етмаганлар ички ишлар органлари вояга етмаганларга ижтимоий-хукуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилса, уч ёшгача адашиб қолган, ташлаб кетилган ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа болалар соғлиқни сақлаш органдарни томонидан кечакундуз қабул қилиш ҳамда парваришлишни амалга оширади. Бунда мазкур тоифадаги болалар дастлабки тиббий текширувдан ўтказилиб унинг натижалари бўйча тиббий-парвариш ёрдами кўрсатилади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар, вояга етмаганларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлаш, улар ўртасида алкоголизм, чекиш, гиёхвандлик ва заҳарвандлик ҳамда уларнинг хулқ-авторидаги шу билан боғлиқ нуқсонларнинг профилактикаси бўйича тушунтириш ишларини амалга оширади, зарур ахборот материалларини тарқатади, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қиласида;

алкоголь таъсирида маст ҳолатда ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар

таъсири остида бўлган вояга етмаганларни кеча-кундуз қабул қилишни амалга оширади ва уларга тиббий ёрдам кўрсатади. Бунда мазкур тоифадаги шахслар маҳсус палаталарга, бундай палаталар бўлмагандан эса алоҳида жойлаштирилади. Уларга биринчи давомли тиббий ёрдам кўрсатилади. Доимий назорат қилувчи тиббий ходим бириктирилади, алкоголь таъсирида маст ҳолатда бўлган ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп, ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган вояга етмаганлар олиб келинганда бу ҳамда зудлик билан ички ишлар органларига хабар берилади;

жисмоний ёки ақлий ривожланишида хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларни аниқлайди ва уларнинг ота оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар билан ҳамкорликда бундай тоифадаги вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ташхис ҳамда даволаш-тиклиш ёрдамини кўрсатади. Зарур ҳолларда жисмоний ёки ақлий ривожланишида хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларга ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳомийлик ва васийлик органларига мурожаат қиласди;

шарҳланаётган ушбу Конуннинг 14-моддасига асосан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари киради. Вояга етмаганларга ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилишидан олдин тиббий қўрикдан ўтказилиши лозим. Бунда соғлиқни сақлаш органлари ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига юборилаётган вояга етмаганларнинг соғлиғи тўғрисида белгиланган тартибда хulosалар тайёрлайди.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилаётган вояга етмаганларни тиббий қўрикдан ўтказиш жараёнида умумий амалиёт шифокори, оториноларинголог, офтальмолог, невропатолог, хирург, гинеколог қўриги ва флюорография текшируви, шунингдек тегишли клиник таҳлиллари ўтказилади¹.

Тиббий қўрикни ўтказаётган даволаш-профилактика муассасаси ушбу тиббий қўрик ва клиник таҳлиллардан ташқари вояга етмаган шахслар тўғрисида худудий психоневрология, силга қарши кураш, тери-таносил ва наркология диспансерларидан ҳамда ОИТСга қарши кураш марказларидан маълумотлар олади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 342-сонли «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилаётган вояга етмаганларнинг тиббий қўригини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Тиббий кўрикдан ўтиш муддати тиббий кўрик ўтказишни сўраб мурожаат қилинган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак.

Тиббий кўрик давомида вояга етмаган шахсда ўткир касалликлар аниқланган тақдирда, касаллик тузалгандан сўнг қайта тиббий кўрикдан ўтказилади ва белгиланган тартибда тиббий маслаҳат комиссиясининг хulosаси берилади.

Спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни муентазам равища истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ташкил этиш соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан амалга оширилади¹.

Спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни муентазам равища истеъмол қилувчи вояга етмаганларга наркология муассасалари томонидан ўз вақтида ихтисослаштирилган диагностика ва даволаш-тиклаш ёрдами кўрсатилиши шарт.

Спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни муентазам равища истеъмол қилувчи вояга етмаганларни аниқлаш бевосита вояга етмаган шахснинг ўзи, унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва таълим муассасаларининг мурожаатига асосан наркология муассасалари томонидан ўтказиладиган тиббий текширув натижасига кўра амалга оширилади.

Тиббий текширув натижасига кўра вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни муентазам равища истеъмол қилаётганлиги ҳамда наркологик касалликнинг клиник белгилари аниқланса, ушбу шахслар яшаш жойи бўйича наркология муассасаларида диспансер ҳисобига ва кузатувига наркология муассасаси тиббий маслаҳат комиссиясининг хulosасига асосан олинади.

Тиббий текширув натижасига кўра вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода

¹ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 342-сонли «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилаётган вояга етмаганларнинг тиббий кўригини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилаётган, лекин наркологик касалликнинг клиник белгилари аниқланмаган вояга етмаганлар ўзлари яшаш жойларидағи наркология муассасаларида профилактик ҳисобига ва кузатувига наркология муассасаси тиббий маслаҳат комиссиясининг хулосасига асосан олинади¹.

Спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни даволаш ўсмирлар врач-наркологлари томонидан олиб борилади.

Вояга етмаганларни даволаш вояга етган беморлардан ажратилган ҳолда амалга оширилади.

Диспансер ҳисобига ва кузатувига олинган вояга етмаганларга улардаги касалликни даволаш учун тиббий текшириш, тиббий маслаҳат бериш, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация хизматларини кўрсатишдан иборат малакали тиббий наркологик ёрдам кўрсатилиши шарт.

Вояга етмаганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тиббий, психологик, педагогик, ижтимоий ва меҳнат чораларини ўз ичига олган ҳолда уларнинг соғлигини ҳамда шахс хусусиятларини тиклаш, ижтимоий муҳитга мослаш, шунингдек уларни нормал турмуш тарзига қайтариш учун амалга оширилади.

Тери-таносил касалликлари бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизими олдидағи долзарб муаммо саналади. Чунки, дунёда йилдан-йилга жинсий йўл билан юқадиган касалликлар бўйича эпидемиологик ҳолат ёмонлашиб бормоқда. Тери-таносил, айниқса, захм касаллиги ёш нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда унинг микдори 8–20 ёшдан бошлаб сезиларли даражада ўсиб боради. 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган шахсларда бу касалликнинг учраши жуда юқори. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда тери-таносил касалликларининг болалар ва ўсмирлар ўртасида кўпайиб бориш эҳтимоллиги кўзга яққол ташланмоқда. Бу эса ушбу касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишига қарши кураш, унинг олдини олиш чора-тадбирларини кенг қўламда амалга ошириш ҳақиқатан ҳам долзарб муаммо эканлигидан далолат беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 342-сонли «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилаётган вояга етмаганларнинг тиббий қўригини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Вояга етмаганлар ўртасида жинсий йўл билан юқтириладиган касалликларнинг манбаларини аниқлаш, ушбу касалликларга чалинганинг вояга етмаганларни текшириш ва даволашни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Вояга етмаганларни ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларни ОИВга тиббий текширувдан ўтка-зиш уларнинг қонуний вакиллари розилиги билан амалга оширилади.

Вояга етмаганларда ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларда ОИВ аниқланган тақдирда, тиббий муассасалар ходимлари бу ҳақда уларнинг қонуний вакилларини ҳамда вояга етмаганлар ёхуд муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар турган муассаса раҳбарини хабардор қиласиди.

17-модда. Мехнат органлари

Мехнат органлари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларни ишига жойлашишига, касбга тайёрлашига, қайта тайёрлашига ва уларнинг малакасини оширишига кўмаклашади, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиши тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади;

якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришида иштирок этади.

Мехнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

1. Вояга етмаганларни меҳнатга жалб этиш ва уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш улар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, меҳнат шахсни тарбиялашда ва унинг шаклланишида ҳам катта аҳамиятга эга. Шу сабабли, вояга етмаганларга меҳнат қилишда маҳсус имтиёзлар жорий этилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳукуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳукуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

2. Мехнат органлари Ўзбекистон Республикасининг «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига кўра ҳукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи маҳсус ваколат-

ли органлар тоифасига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисида»ги низом ва бошқа қонун ҳамда қонун ости ҳужжатлари асосида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 255-моддаси асосида Меҳнат органларининг мансабдор шахслари мазкур кодекснинг 49, 49¹, 50, 51-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни кўриб чиқиш, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий таъсир чораларини қўллаш орқали вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этади.

3. Меҳнат органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўйидаги маҳсус ваколатларга эга:

вояга етмаганларни меҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиқсан ҳолда, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашади. Бунда маҳсус дастурлар ҳамда чора-тадбирларни амалга оширади. Маҳсус ўқув курслари ташкил этади.

Вояга етмаганлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади. Меҳнат кодексининг 100-моддасига кўра, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш асослари белгиланган бўлиб, вояга етмаган ходимларнинг мазкур модда асосида ишдан бўшатилиш асосларининг қанчалик қонунийлигини кўриб чиқади ва зарур ҳолларда вояга етмаганларнинг бу борада бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўради.

Меҳнат органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда ҳам фаол иштирок этади. Бунда ўз ваколатлари доирасида ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолиятни амалга оширади.

18-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасида маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотларнинг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг иштироки

Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқши ва амалга ошириша иштирок этади;

фаолияти вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши билан боғлиқ бўлган болалар ва ёшлар жамоат бирлашмалари, ижтимоий муассасалар, жамоат фонdlарига ҳамда бошқа ташкилотларга ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишида иштирок этади;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-авторини ва соглом турмуши тарзини тарғиб қилиши ҳамда шакллантириши бўйича фаолиятни амалга оширади.

Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

1. Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотларнинг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикасида иштироки илмий-амалий шарҳланаётган мазкур Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 21-моддаси ва ушбу муассасаларнинг фаолиятини тартибга соловчи бошқа қонун ҳамда қонун ости ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Мазкур муассасалар вояга етмаганлар ўртасида маданий ва спорт тадбирларини ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларидан вояга етмаганларнинг хукуқбузарликлари профилактикаси юзасидан турли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш орқали вояга етмаганлар назоратсизлиги ва хукуқбузарликлари профилактикасида иштирок этади.

2. Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бундай дастурлар, умумреспублика, минтақавий ва бошқа маҳаллий ҳамда соҳавий бўлиши мумкин. Ушбу дастурларни ишлаб чиқишида таклифлар бериш ва бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка маълум қилиш каби чора тадбирлар амалга оширилади;

фаолияти вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган болалар ва ёшлар жамоат бирлашмалари, ижтимоий муассасалар, жамоат фондларига турли ахборот хизматларини қўрсатади, улар фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўради, оммавий ахборот воситалари орқали мазкур субъектларнинг фаолиятини ёритиб боради, турли маданий ва маърифий тадбирлар ҳамда бошқа дастурларни уюштиришда иштирок этади;

вояга етмаганларни ўқитиш, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда, хусусан, таълим муассасаларида турли маданий тадбирларни уюштириш, ёшларнинг ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида маҳсус маданий-тарбиявий тадбирларни ташкил этади ҳамда уларда фаол иштирок этади;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда шакллантириш бўйича фаолияти амалга оширади, турли тарбиявий-тарғибот тадбирларини уюштиради, танловларни ташкил этади ва уларда фаол иштирок этади, оммавий ахборот воситалари тарбиявий-маданий дастурларни эълон қиласди.

19-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришига кўмаклашади;

иҷтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оиласарга ёрдам қўрсатади;

жазони ижро этиши муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қиласади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2013 йил 22 апрель қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сонли қарори ва бошқа тегишли қонун ҳамда қонун ости ҳужжатлари асосида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ёшлар ва вояга етмаганларни бирлаштирувчи нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрь қонуни ёшларга оид муносабатларни тартибга солиш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётый позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш,

уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғуланишга кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар ўртасида хуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишларни самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишларини белгилаб берди.

2. Фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиқкан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятини амалга ошириш мақсадида ташкил этиладиган нодавлат институционал тузилма – **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади**¹.

Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир².

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига қуйидагилар киради:

жамоат бирлашмалари;

ижтимоий фондлар;

муассасалар, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилган ташкилотлар.

Маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

² Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси **жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади**¹.

Жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти **жамоат фонди деб эътироф этилади**.

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти **муассаса деб эътироф этилади**.

3. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш кенгашлари тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади ҳамда кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган болалари бўлган муҳтоҷ оиласар, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналар, шунингдек бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни фуқаролар йиғини ҳудуди бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиқсан ҳолда ҳал этади. Оиласарни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, етим болалар, ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади.

4. Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялардан бири – бу вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия ҳисобланади.

Мазкур комиссиянинг мақсади ҳудуддаги вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий етук бўлиб вояга етишларига, оммавий равища спорту билан шуғулланишларига, уларнинг ҳуқуқлари,

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга кўмаклашишдан, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.

Қўйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

вояга етмаганлар ва ёшларнинг худудда маънавий-маърифий, тарбиявий, ижтимоий, экологик ишларнинг амалга оширилишидаги ижтимоий фаоллигини янада оширишга кўмаклашиш;

вояга етмаганлар ва ёшларнинг миллий маънавиятимизга зид бўлган салбий иллатлар ҳамда турли экстремистик оқим аъзолари таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, оммавий маданият салбий таъсиrlарининг олдини олиш ҳамда бунга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини, халқ ўйинларини ривожлантиришга қаратилган ишларни ташкил этиш;

ота-оналар ўртасида таълимнинг узлуксизлиги, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, таълим муассасалари билан ҳамкорликда машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаб, ўқишга қайтаришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган барча тоифадаги шахслар вояга етмаган фарзандларининг яшаш тарзи ва хулқ-атворини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида маънавий баркамолликни тарғиб қилиш, уларни фан, маданият, санъат тўғаракларига жалб этиш;

вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

вояга етмаганлар ва ёшларга ёки уларнинг қонуний вакилларига услубий, ахборот ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш;

бала ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва худудий дастурларнинг амалга оширилишида иштирок этиш;

«Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуасининг амалга оширилишига кўмаклашиш;

вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиш, тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган вояга етмаганлар ва ёшларга ёрдам кўрсатиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашиш;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш;

вояга етмаганлар ва ёшларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган кенг кўламли тарғибот ишларини олиб бориш, улар ўртасида профилактика, санитария-гигиена тадбирларининг амалга оширилишига кўмаклашиш;

ваколатли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид давлат дастурларининг амалга оширилишига кўмаклашиш, фуқаролар йиғинининг ҳудудда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга доир дастурларини бажариш;

ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш орқали уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига хурмат руҳида тарбиялаш, улар онгига мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур сингдириш, уларнинг жамиятдаги янгиланишлар йўлини кенг қўллаб-қувватлаши

ва ушбу жараёнлардаги ижтимоий фаоллигига эришишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида атроф-муҳитни, табиатни асрәб-авайлаш, муҳофаза қилишга йўналтирилган экологик тарбиянинг самарали усулларидан мунтазам фойдаланиш;

вояга етмаганлар ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти субъектларига, шу жумладан уста-хунармандларга биректириш орқали уларни касбга йўналтиришга, уларнинг тадбиркорлик қобилиятини ривожлантиришга, бозор иқтисодиёти тамойилларини ўрганишларига ва ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишишларига кўмаклашиш;

вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳисобини юритиш, уларни ўқишига ҳамда белгиланган тартибда ишга жалб этиш чораларини кўриш;

вояга етмаганлар ва ёшларни миллий қадриятларимиз, тарихий-маънавий меросимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашга фаол кўмаклашиш;

ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг онгига она Ватанини ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлигини сингдириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш.

3-БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

20-модда. Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб бориладиган шахсларнинг тоифалари

Якка тартибдаги профилактика иши қуийдаги вояга етмаганларга нисбатан олиб борилади:

назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётганлар;

таълим муассасаларидағи машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётганлар;

маъмурий хуқуқбузарликлар содир этганлар;

амнистия акти асосида ёки қилмиши ёхуд шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айборор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ёхуд ярашилганлиги муносабати билан, шунингдек вояга етмаганни жазо қўлламасдан туриб тузатиш мумкин деб эътироф этилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиши мумкин бўлган ёшига тўлмаганлар ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишида ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб этишига қодир бўлмаганлар;

жиноят содир этганликда айбланиб, қамоқقا олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланганлар;

мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинганлар;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганлар, шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айборор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан ёхуд амнистия акти ёки афв этиши асосида жазодан озод қилинганлар;

хукмнинг ижроси кечиктирилганлар;

шартли хукм қилинганлар, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиши билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларига хукм қилинганлар;

жазони ижро этиши муассасаларидан озод этилганлар ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганлар;

рухий касаллик туфайли соглиқни сақлаши муассасаларидан ҳисобда турганлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этишига мойил бўлганлар.

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласарга нисбатан ҳам олиб борилади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактиkasини амалга оширишда ушбу фаолият таъсирига тушувчи контингентни аниқлаш лозим бўлади.

Кўйидаги тоифадаги вояга етмаганларга нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилади:

назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар – илмий-амалий шарҳланадётган ушбу Қонуннинг З-моддасига кўра ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаганлари **назоратсиз** вояга етмаганлар, аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаганлар эса, **қаровсиз** вояга етмаганлар ҳисобланади. Бунда мазкур тоифадаги шахсларга биринчи галда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади;

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар – амалдаги қонун ҳужжатлари билан ман этилмаган, аммо жамиятда қабул қилинган юриш-туришнинг умурижтимоий нормаларига зид хатти-ҳаракатлар ва ҳаракатсизликларни содир этган вояга етмаганлар. Бундай тоифадаги вояга етмаганларга нисбатан профилактика сухбати ва расмий огоҳлантириш сингари профилактика таъсир чоралари қўлланиб, унга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишига ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарлик тушунтирилади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётганлар – қонун ҳужжатларига асосан бундай шахсларга улар сақланаётган ўқув-тарбия муассасалари ва марказларда тегишли профилактик-тарбиявий таъсир чоралари қўлланилади;

таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётганлар – икки ва

ундан ортиқ маротаба ўқув машғулотларида узрли сабабсиз иштирок этмаётган шахсларга нисбатан уларнинг дарсга қатнашмаслик сабаблари ўрганилган ҳолда тегишли профилактик-тарбиявий таъсир чоралари қўлланади;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлар – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тақиқланган қилмишларни содир этган вояга етмаганлар. Бунда мазкур тоифадаги вояга етмаганлардан ташқари, уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар билан ҳам профилактик ишлар олиб борилади;

Жиноят кодексига кўра жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари белгиланган бўлиб амнистия акти асосида ёки қилмиш ёхуд шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбордor ўз қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлганлиги ёхуд ярашилганлиги муносабати билан, шунингдек вояга етмаганини жазо қўлламасдан туриб тузатиш мумкин деб эътироф этилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар – жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг турларига киради – бундай тоифадаги вояга етмаганлар профилактик ҳисобга олинади;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлар ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар – Жиноят кодекси билан ман этилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган аммо жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган, сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган, шунингдек ақлий ривожланиш ёшига нисбатан ортда қолганлиги сабабли содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмайдиган вояга етмаганларга нисбатан маҳсус тиббий, психологик, психиатрик ва тиббий чоралар қўлланилади;

жиноят содир этганликда айбланиб, қамоқقا олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланганлар – қамоқقا олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари шахсни жамиятдан ва оиласидан мажбурий ажратишни назарда тутмайди. Бундай тоифадаги шахслар профилактик ҳисобга олинади;

мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинганлар – жиноий жазодан озод қилиш шахсни содир этган

жинояти учун суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ҳисобланиб, Жиноят кодексига кўра мажбуров чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилиш ҳам жазодан озод қилишнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бундай тоифадаги шахслар профилактик ҳисобга олинади;

жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганлар, шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айборд ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан ёхуд амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинганлар – мазкур ҳолатлар ҳам жазони ўташдан озод қилишнинг алоҳида турлари бўлиб бундай тоифадаги шахслар профилактик ҳисобга олинади;

хукмнинг ижроси кечикирилганлар – амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасига кўра судья озодликдан маҳрум этилган шахсга нисбатан ҳукм ижросини қуидаги асослардан бирортаси мавжуд бўлганда кечикириши мумкин: 1) маҳкум жазони ўташига монелик қиласидан даражада оғир касал бўлиб қолганида – у соғайгунча; 2) ҳукмни ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса – бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга; 3) маҳкуманинг ёш боласи бўлса – у уч ёшга тўлгунга қадар; 4) жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий оғат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар маҳкум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлса – уч ойдан ошмаган муддатга;

шартли ҳукм қилинганлар, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларига ҳукм қилинганларга туман (шаҳар) ИИБнинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш хизматлари томонидан профилактик ишлар амалга оширилади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганлар – жазони тўлиқ ёки қисман ўтагандан кейин озод этилган ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан озод қилинганларга нисбатан якка тартибдаги профилактикани қўллаш мақсадида улар профилактик ҳисобга олинадилар;

руҳий касаллик туфайли соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобда турганлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганлар – соғлиқни сақлаш органлари томонидан профилактик ҳисобга олинади.

21-модда. Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш асослари

Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориши учун ушбу Қонуннинг 20-моддасида назарда тутылган ҳолаттар, агар улар қуидаги ҳужжатларда қайд әтілген болса, асос болади:

вояга етмаганнинг ёхуд унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ваколатига кирадиган масалалар юзасидан ўзига ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги аризасида;

суднинг ҳукми ёки ажримида;

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг, суроитиравчи, терговчи, прокурорнинг ёки ички ишлар органи бошлигининг қарорида;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи муассасаларга вояга етмаганларни жойлаштириши учун зарур болган ҳужжатларда;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи орган ёки муассаса раҳбари шикоятлар, аризалар ёки бошқа хабарларни текшириши натижалари бўйича тасдиқлаган холосада.

1. Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш асослари дейилганда мазкур профилактикани амалга ошириши тақозо этадиган фактик ҳолатлар ва уни амалга оширишга асос боладиган нормалар тушунилади.

Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш асослари фактик ва юридик асосларга бўлинади.

Фактик асослар якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришни тақозо этувчи маълум ҳолатлар ҳисобланади.

Юридик асослар якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришга норматив асос болади.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига асосан профилактик ҳисобга олинадиган шахсларнинг тоифалари ва 36-моддаси эса шахсни профилактик ҳисобга қўйиш асослари келтирилган бўлиб, унда маъмурий жазога тортилганлиги тўғрисидаги қарор, суднинг айлов ҳукми, тергов органларининг қарорлари ва бошқалар кўрсатилган. Унга кўра, шахсни профилактик ҳисобга қўйишга қуидагилар асос болади:

ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг ушбу Қонун 35-моддасининг олтинчи хатбоисида назарда тутилган маъмурий хуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори;

ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори;

ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори;

суднинг қонуний кучга кирган айблок хукми;

шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарори.

3. Бир шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун бир қанча асослар мавжуд бўлган тақдирда, асосларнинг ҳар бири бўйича алоҳида алоҳида профилактик ҳисобга олиш амалга оширилади.

Илмий-амалий шарҳланаётган қонун асосида якка тартибдаги профилактика иши олиб бориладиган вояга етмаганларнинг тоифалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва содир этган хуқуқбузарликларидан келиб чиқиб, уларга нисбатан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш асослари ҳам бир биридан фарқланади. Масалан, Вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам қўрсатиш марказига жойлаштириш бўйича суднинг ажрими, маъмурий жазога тортилганлиги бўйича ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахснинг маъмурий жазога тортиш ҳақидаги қарори ёхуд суднинг жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги хукми, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг қарорлари, мажбурий даволаш бўйича суднинг қарори, наркология ва руҳий касалликлар диспансерларининг хулосалари, МФЙнинг қарорлари вояга етмаганларга нисбатан якка профилактика олиб борилишининг асоси ҳисобланади.

22-модда. Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш муддатлари

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий ва бошқа ёрдам қўрсатиш учун зарур бўлган муддатларда, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, хуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитлар бартараф қилингунига ёки вояга етмаганлар ўн саккиз ёшга тўлгунига ёхуд қонун ҳужжатларида

назарда тутылган бошқа ҳолаттар юзага келгүнига қадар олиб борилади.

1. Муддатлар қонун ҳужжатларига қўра белгиланган аниқ вақт ҳисобланиб, унинг ўтиши муносабати билан маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади, ўзгаради ёки бекор бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 38-моддасида шахсни ҳисобга олиш муддати бир йил этиб белгиланган.

2. Илмий-амалий шарҳланаётган ушбу моддада вояга етмаганларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларни турли салбий таъсирлардан асрарни кўзлаган ҳолда олиб борилишини инобатга олиб муддатлар белгиланган. Аммо айрим ҳолатларда бошқа муддатлар ҳам белгиланиши мумкин, масалан, вояга етмаган ички ишлар органларида профилактик ҳисобга олинган бир йил муддатда, Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида бўлган даврида, руҳий касалликдан ёхуд гиёҳвандлик ва сурункали ичкиликбозлик касаллиги тузалгунга қадар ҳам олиб борилиб тугатилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, вояга етмаганлар ўртасида якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш муддатлари уларнинг профилактик ҳисобда туриши билан тугатилсада, аммо вояга етмаганлар жамоалари ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишларининг олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришнинг ҳам муддатлари мавжуд.

Бу муддатлар қуйидагиларга бўлинади:

якка тартибдаги профилактика ишини амалга оширишни тақозо этувчи фактик ҳолатларнинг бекор бўлиши (ижтимоий ва бошқа ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган муддатларда, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитлар бартараф қилиниши) га қадар бўлган муддат;

вояга етмаганлар ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар бўлган муддат;

қонун ҳужжатларида назарда тутылган бошқа ҳолатлар юзага келишига қадар бўлган муддат.

23-модда. Якка тартибдаги профилактика иши олиб борилишини ташкил этиш

Ички ишлар органлари ижстимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини унинг шахси ва ён-атрофидагиларнинг ўзига хос хусусиятларини, содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки бошқа гайриижстимоий хатти-ҳаракатларнинг хусусиятини, оиласи тарбия шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб боради. Ушбу ҳолатлар вояга етмаган, унинг отонаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, бошқа шахслар билан профилактика сухбатлари ўtkазиши, вояга етмаганни унинг яши, ўқииш (иши) жойига бориб кўриши, тавсифловчи материалларни ўрганиши давомида аниқланади.

Ижстимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориши давомида:

вояга етмаганнинг турмуши тарзи, алоқалари ва нияти аниқланади;

вояга етмаганга ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижстимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг оқибатлари тушунтирилади;

вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижстимоий хатти-ҳаракатлар содир этиши сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади ҳамда уларни бартараф этишига доир чора-тадбирлар кўрилади;

вояга етмаганни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижстимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишига жалб этаётган шахслар аниқланади ва уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортишига доир чора-тадбирлар кўрилади;

вояга етмаганга ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахслар жалб этилади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганни сақлаши, тарбиялаши, унга таълим берииш, унинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиши масалалари ҳал этилади.

Ижстимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласалар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориши давомида:

оиласадаги муҳитни согломлаштиришига, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг болаларга салбий таъсир кўрсатишини бартараф этишига доир тадбирлар амалга оширилади;

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга вояга етмаганларни таъминлаши, тарбиялаши ва уларга таълим берииш бўйича ўз мажбуриятларини бажаршидан бўйин товлаганлик ёки лозим даража-

да бажармаганлик, болаларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатганлик ёхуд улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлик оқибатлари тушунтирилади;

оилани яшаши жойига бориб кўриши, тавсифловчи материалларни ўрганиши, соглиқни сақлашни бошқарishi органлари ва соглиқни сақлаш муассасалари, таълимни бошқарishi органлари ва таълим муассасалари вакиллари, бошқа шахслар билан суҳбатлар ўтказиши орқали ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг турмуши тарзи ҳамда нияти аниқланади;

уларга ижсобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахслар жалб этилади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда voyaga етмаганларни сақлаши, тарбиялаши, уларга таълим бериши, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиши масалалари ҳал этилади;

вояга етмаганларни таъминлаши, тарбиялаши ва уларга таълим бериши бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишили давлат органлари ва бошқа ташкилотларга белгиланган тартибда таклифлар киритилади.

1. Вояга етмаганларга, ижтимоий хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларга нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилишини ташкил этишда ички ишлар органлари зиммасига катта вазифалар юклатилади.

Бу жараёнда биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаслигига алоҳида эътибор қаратилиши, шунингдек вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ёхуд уларга нисбатан содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек вояга етмаганларнинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолари, ижтимоий хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар ва бошқа омиллар инобатга олинган ҳолда давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсаддага мувофиқдир.

Якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этишда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун масъул бўлган субъектларнинг алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд бўлиб, ўз навбатида улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликдаги ишларнинг ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия, ички ишлар органларининг Вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш бўйича инспекциялари, фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси, васийлик ва ҳомийлик органлари, Ёшлар иттифоқи, ота-оналар ва бошқалар.

Якка профилактика ишини ташкил этишда биринчи навбатда вояга етмаганнинг содир этган ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракати ёхуд унинг ижтимоий аҳволи, турмуш тарзи, ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги чуқур таҳлил этилиши ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, зарурий чора-тадбирлар қўлланилади ва якка тартибдаги профилактик ишлар ташкил этилади.

2. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида қуидагилар амалга оширилади:

вояга етмаганнинг турмуш тарзи, оиласининг моддий таъминланиш манбалари ва даражаси, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, оиласи таркиби, яқин алоқалари, кундалик машғулоти, келгусидаги режалари аниқланади;

вояга етмаган билан жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушуниришдан иборат якка тартибдаги суҳбат ўтказади;

якка тартибдаги профилактикада шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади ҳамда уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар кўрилади. Бунда вояга етмаган шахс, унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар огоҳлантирилади, уларга нисбатан тарбиявий ва ижтимоий профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади;

кўп ҳолларда вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши бевосита катта ёшдаги шахсларнинг таъсирида, уларнинг қизиқтириши, ишон-

тириши, қўрқитиши каби ҳолатлар таъсири остида содир этилади шу сабабли вояга етмаган шахсни ҳукуқбузарликлар ёки бошқа ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишга жалб этаётган шахслар аниқланади ва уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга доир чора-тадбирлар кўрилади. Бундай ҳолатлар аниқланганда жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилиши лозим;

вояга етмаганга ижобий таъсири кўрсатишга қодир бўлган шахслар, яъни уларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари, ўқитувчилари, маҳалла фаоллари ва мутахассисларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар, яъни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ва меҳнат органлари ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганни сақлаш, тарбиялаш, унга таълим бериш, унинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш масалалари ҳал этилади. Хусусан, илмий-амалий шарҳланаётган ушбу Қонунинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни ахборот билан таъминлаш ўзаро ахборот алмашинуви – ҳамкорлик орқали ҳал этилади.

3. Ижтимоий жиҳатдан хавфли ахволда бўлган оилалар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида куйидагилар амалга оширилади:

оиладаги муҳитни атрофлича ўрганиш ва уни соғломлаштириш, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг болаларга салбий таъсири кўрсатаётганлиги ва унинг оқибатлари ҳамда уларни бартараф этишга доир тадбирлар амалга оширилади. Бунда кенг жамоатчиликнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш, ишонтириш усулидан устувор равишда фойдаланиш талаб этилади;

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, болаларнинг хулқ-авторига салбий таъсири кўрсатганик ёхуд улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлик оқибатлари тушунтирилади, хусусан, ота-она ота-оналий мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини тугруқхона ёки бошқа даволаш

муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини) нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкинлиги, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келганлиги ёки болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка, вояга етмаган моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирадилар;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб борища оилани албатта улар яшайдиган жойига бориб кўриш, тавсифловчи ҳужжатларни ўрганиш, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари вакиллари, бошқа шахслар билан сұхбатлар ўтказиш орқали ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг турмуш тарзи ҳамда нияти, оиланинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволга келиб қолишининг сабаблари аниқланади ва тегишли чоралар кўрилади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларга ижобий таъсир қўрсатишга қодир бўлган шахслар, маҳалла фаоллари, имомлар, ҳомийлар, таълим муассасалари ва тиббиёт муассасалари вакиллари, ички ишлар органлари, адлия органлари кабилар жалб этилади ва уларнинг имкониятларидан фойдаланилади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар, яъни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ва меҳнат органлари ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганни сақлаш, тарбиялаш, унга таълим бериш, унинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш

масалалари ҳал этилади. Хусусан, илмий-амалий шарҳланаётган ушбу қонунинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни ахборот билан таъминлаш ўзаро ахборот алмашинуви – ҳамкорлик орқали ҳал этилади;

вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга белгиланган тартибда таклифлар киритилади.

24-модда. Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган шахсларнинг ҳуқуқлари

Ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлар билан таъминланади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақланаётган вояга етмаганлар белгиланган тартибда қуидаги ҳуқуқлар билан таъминланади:

ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни вояга етмаганлар мазкур муассасаларга олиб келинганлиги ёки жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиши;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга, прокуратура органларига ёки судга шикоят қилиши;

одамнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муомалада бўлиши;

чекланмаган миқдорда телефонда сўзлашувлар, бошқа алоқа воситалари орқали мулоқотлар ҳамда учрашувлар воситасида оиласи билан алоқада бўлиши, посылкалар, бандероллар, йўқловлар олиш, хат ва телеграммалар олиш ҳамда жўнатиши;

белгиланган нормалар бўйича бепул овқат, кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминотнинг бошқа буюмларини олиш.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 42-моддасида ўзига нисбатан хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Жумладан, ўзига нисбатан қўлланилаётган хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларининг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билиши, ўзи хусусида тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиш, илтимослар қилиш, юридик ёрдам олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактиказини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш кабилар.

Шунингдек, илмий-амалий шарҳланаётган моддада қўрсатиб ўтилган ҳуқуқларидан ташқари улар адвокат хизматидан фойдаланиш, ўзига нисбатан юритилган ҳужжатлар билан танишиб чиқиш, Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш маркази ёки Ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасаларида сақланаётган вояга етмаганлар эса ахборот олиш, таълим олиш, дам олиш, тиббий ва психологик ёрдам олиш ҳуқуқларига ҳам эга.

4-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАННИ ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ ЁРДАМ КҮРСАТИШ МАРКАЗИГА ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

25-модда. Вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам күрсатиш марказига жойлаштириш түғрисидаги материалларни тайёрлаш

Вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам күрсатиши марказига жойлаштириши талаб қилувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари вояга етмаган ички ишлар органларининг бўлинмаларига келтирилган пайтдан эътиборан 48 соат ичida вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам күрсатиши марказига жойлаштириш түғрисида судга илтимоснома юбории учун материалларни тайёрлаши шарт.

Вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам күрсатиши марказига жойлаштириш түғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган топилган жойдаги ёхуд ижтимоий-хуқуқий ёрдам күрсатиши маркази жойлашган ерадаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи бошлиги ёки унинг ўринбосари томонидан юборилади.

Вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам күрсатиши марказига жойлаштириш бўйича материалларни тайёрлаш ички ишлар органларининг зиммасига юклатилади. Ички ишлар органлари томонидан ижтимоий-хуқуқий ёрдам күрсатиши марказларига қуидаги вояга етмаганларнинг жойлаштирилиши учун материаллар тайёрланади:

назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;

ихтисослаштирилган ўкув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарқ этганлар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўн олти ёшгача бўлганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб этишга қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш ёки улар томонидан такроран ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарур бўлса, шунингдек уларнинг шахси аниқланмаган ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий

хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ҳуқуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

ўзининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан қўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлар;

суднинг ажримига кўра ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш учун материаллар тайёрлашда уларнинг тоифаларидан келиб чиқиб айрим ҳужжатлар фарқланади. Масалан, юқоридаги 1-3-тоифа вояга етмаганлар учун педагоглар иштирокида ўтказилган сўров баённомаси, манзил маълумотлар бюроси маълумоти, профилактика инспектори ёхуд вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш бўйича инспекторнинг билдиргиси, вояга етмаган шахсни кўрикдан ўтказиш ва ушлаб туриш баённомаси, ички ишлар органлари раҳбари томонидан имзоланган илтимоснома, 4-тоифасига эса қўшимча равишида терговчининг қарори нусхаси, 5-тоифасига маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги бўйича расмийлаштирилган маъмурий-процессуал ҳужжатларнинг нусхалари олиниши лозим.

Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш бўйича тайёрланган материаллар асосланган ҳолда тўғри расмийлаштирилиши шарт.

26-модда. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан қўриб чиқилиши

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ички ишлар органи уни тақдим этган пайтдан эътиборан 24 соат ичida жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ётиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқлади.

Ўзига нисбатан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, ички ишлар органининг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Илтимосномани кўриб чиқшида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вакили ва адвокат иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаганни ижстимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқши ички ишлар органи вакилининг вояга етмаганни ижстимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши зарурлигини асослаб берадиган маъруза-сидан бошланади. Сўнгра прокурор, ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, адвокат, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эши-тилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади.

Ажрим судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Вояга етмаганни ижстимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

*илтимосномани қаноатлантириши ва вояга етмаганни ижсти-
моий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши тўғрисида;
илтимосномани қаноатлантиришииз қолдириши тўғрисида.*

*Судьянинг вояга етмаганни ижстимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши тўғрисидаги илтимосномани қаноатлан-
тириши ёки қаноатлантиришииз қолдириши тўғрисидаги ажрими у
ўқиб эшииттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол
ижро этилиши лозим.*

*Судьянинг вояга етмаганни ижстимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқар-
ган ажрими дарҳол ички ишлар органига ижро этиши учун, вояга ет-
маганга, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга,
васийлик ва ҳомийлик органига, адвокатга, агар у суд мажлисида
иштирок этган бўлса, маълумот учун юборилади.*

Судьянинг вояга етмаганни ижстимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими устидан судья мазкур ажримни чиқарган кундан эътиборан ўн кун ичida жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судига вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда адвокат томонидан шикоят берилиши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судининг судьяси вояга етмаганни ижстимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази-

га жойлаштириши тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоятни (протестни) шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичida кўриб чиқади ва қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

судьянинг ажримини ўзгаришииз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантиришииз қолдириши тўғрисида;

судьянинг ажримини ўзгартириши тўғрисида;

судьянинг илтимосномани қаноатлантириши ва вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши тўғрисидаги ажримини бекор қилиши ҳақида;

судьянинг илтимосномани қаноатлантиришииз қолдириши тўғрисидаги ажримини вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириши масаласини ҳал қилган ҳолда бекор қилиши ҳақида.

Вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома жиноят ишлари бўйича туман (шахар) судлари томонидан кўриб чиқилади. Кўриб чиқиши тартиби шарҳланаётган моддада аниқ белгилаб берилган.

Мазкур масалани кўриб чиқища судлар эътиборини энг биринчи навбатда вояга етмаганнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратиши, материаллар билан тўлиқ танишиб чиқиши, қонун ва суд олдида тенглик принципига амал қилиши, тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқини таъминлашга қаратиши шарт.

Судларнинг дам олиш кунлари ёхуд тунги вақтларда аниқланган вояга етмаган шахс ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ички ишлар органи ёки ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлигининг ёхуд унинг ўринбосарининг қарори асосида жойлаштирилиши ҳам мумкин. Бу ҳолда вояга етмаганни ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш заруратини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган марказга жойлаштирилгандан кейин 48 соатдан кечиктирмасдан судга юборилади. Ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганнинг ушбу марказга жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган жойдаги прокурорни ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни зудлик билан, лекин 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қиласди.

27-модда. Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш муддатини узайтириш тартиби

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома ва ушбу муддатни узайтириши заруратини тасдиқловчи материаллар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиги ёки унинг ўринбосари томонидан мазкур марказ жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шахар) судига вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлашнинг муддати тугашидан камида уч кун олдин юборилади.

Вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш муддатини узайтириши тўғрисидаги илтимоснома ушбу Қонуннинг 26-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сонли қарор билан тасдиқланган Низомга асосан марказ уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соғлигини муҳофаза қилиш ёки улар томонидан такроран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кеча-кундуз қабул қилишни ҳамда вақтинча сақлашни таъминлайди, олиб келинган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қиласи.

2. Вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида уларни жойлаштириш учун зарур бўлган энг кам вақт давомида, лекин қўпи билан ўттиз кун бўлишлари мумкин. Истисно ҳолларда вояга етмаганнинг шахси аниқланмаган, унинг яқин қариндошлари топилмаган ҳолларда, бу муддат ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиги ёки унинг ўринбосарининг илтимосномасига кўра, суднинг ажрими асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин. Шу давр мобайнида ҳам вояга етмаганнинг шахси аниқланмаганда, уни «Мехрибонлик уйи»га жойлаштириш чоралари қўрилади.

5-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАННИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҮҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАСИГА ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

28-модда. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган үқув-тарбия муассасасига жойлаштириш түғрисидаги материалларни тайёрлаш

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вояга етмаганга нисбатан келиб тушган унинг айблилиги түғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материалларини ёхуд ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилган вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарлиги ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлари түғрисидаги материалларни кўриб чиқиб, вояга етмаганни ихтисослаштирилган үқув-тарбия муассасасига жойлаштириш түғрисидаги илтимоснома билан судга мурожсаат қилиши ёки бошқа таъсир чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қиласади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вояга етмаганни ихтисослаштирилган үқув-тарбия муассасасига жойлаштириш түғрисидаги илтимоснома билан судга мурожсаат қилиши ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, ички ишлар органлари бу ҳақда зудлик билан хабардор қилинади.

Ички ишлар органлари вояга етмаганни ихтисослаштирилган үқув-тарбия муассасасига жойлаштириш түғрисидаги илтимосномани судга юбориши учун зарур бўлган материалларни ўн кун ичida вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия учун тайёрлаши шарт.

Ички ишлар органлари тегишили давлат органларига ва бошқа ташкилотларга зарур ҳужжатларни тақдим этиши түғрисида сўровлар юборади. Сўровлар олинган кундан эътиборан беш кун ичida бажарилиши керак.

Соғлиқни сақлаш муассасалари вояга етмаганни ихтисослаштирилган үқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлигини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтказади.

Тиббий текширув вақтида вояга етмагандага унинг ихтисослаштирилган үқув-тарбия муассасасида сақланиши, тарбияланиши ва таълим олишига тўсқинлик қиласадиган касалликлар аниқланган тақдирда, унга тааллуқли материаллар бошқа таъсир чораларини қўллаш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга топширилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган үқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ҳақидағи материаллар тайёрланаётган вояга етма-

ган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилиши ёхуд ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг назоратига топширилиши мумкин бўлиб, улар вояга етмаганнинг муносиб хулқ-авторда бўлишини ва суднинг чақиравига биноан келишини таъминлаши шарт. Судга келишдан бўйин товлаётган ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, шунингдек ўн олти ёшига тўлган вояга етмаганлар мажбурий келтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар, агар жиноят ишини қўзгатиши рад қилинган ёки жиноят иши тугатилган ёхуд жиноий жазодан озод қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сонли қарори билан Ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасаларининг икки тури ихтисослаштирилган мактаб ва ихтисослаштирилган касб-хунар колледжларидан иборат. Мазкур муассасаларга «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар» жойлаштирилади.

Ихтисослаштирилган мактаб алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болаларга таълим беришни, уларнинг касб-хунар тайёргарлиги ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширувчи ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси хисобланади.

Ихтисослаштирилган мактабга ўн бир ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож вояга етмаганлар қуйидаги ҳолларда жойлаштирилиши мумкин, агар улар:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг моҳиятини тўлиқ англаб этишга қодир бўлмаган бўлса;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса.

Ихтисослаштирилган мактабга йўлланадиган ҳар бир вояга етмаган бола учун ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори томонидан ички

ишлиар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш маркази ходими кўмагида шахсий хужжатлар йиғма жилди учун қуидаги хужжатлар расмийлаштирилади:

жиноий ишлиар бўйича туман (шаҳар) судининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган мактабга жойлаштириш ҳақидаги ажрими;

туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;

маълумоти тўғрисидаги хужжатлар (мавжуд бўлса);

ўқиш жойидан маълумотнома ва тавсифнома;

яашаш жойидан маълумотнома ва тавсифнома;

вояга етмаганнинг яашаш ва тарбияланиш шароитларини текшириш далолатномаси;

тегишли маълумотномалар билан бирга тиббий карта;

соғлиқни сақлаш муассасасининг вояга етмаган шахснинг соғлиғи ва уни ихтисослаштирилган мактабга жойлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси;

вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг Илтимосномаси.

Ихтисослаштирилган мактабга йўлланаётган етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун шахсий хужжатлар йиғма жилдларида юқорида кўрсатилган хужжатлардан ташқари қуидаги хужжатлар ҳам бўлиши лозим:

етим болалар ҳамда ота-она қаровисиз қолган болаларга нисбатан васийлик белгилаш ёки таълим муассасасига жойлаштириш ҳақидаги туман (шаҳар) ҳокими қарорининг нусхаси;

ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар (паспортлар ёки ота-онаси ўлганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, суд ҳукмлари ёки қарорлари, ота-онанинг узоқ вақтдан буён касаллиги тўғрисидаги маълумотнома ва ота-онаси йўқлигини ёки уларнинг ўз болаларини тарбиялашга имкони йўқлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар);

яқин қариндошларининг борлиги ва уларнинг яашаш жойлари тўғрисидаги маълумотнома;

вояга етмаганнинг ота-онасидан қолган мол-мулки (агар мол-мулк мавжуд бўлса) рўйхати, мол-мулкнинг жойлашган жойи, унинг сақланишини таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар кўрилгани, унинг сақланиши учун жавобгар шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

тураг жойнинг вояга етмаганга биркитиб қўйилганлиги тўғрисидаги хужжатлар (ордер, уй дафтари, тураг жой тарихи, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан тураг жойнинг эгаси ва тураг жойни хусусийлаштириш факти тўғрисидаги маълумотнома);

пенсия олаётган вояга етмаганнинг пенсия дафтарчаси, суднинг бола фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги қарори нусхаси, жамғарма дафтарчаси.

Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтоҷ болаларга таълим беришни, уларнинг касб-хунар тайёргарлиги ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширувчи ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтоҷ вояга етмаганлар қуидаги ҳолларда жойлаштирилиши мумкин, агар улар:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг моҳиятини тўлиқ англаб этишга қодир бўлмаган бўлса;

кўриб чиқиш учун материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга берган ҳолда уларнинг айбдорлиги масаласини ҳал қилмасдан жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса;

уларни ихтисослашган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тарзидаги мажбурий чоралар қўлланган ҳолда жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-харакатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса.

Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига йўлланадиган ҳар бир вояга етмаган бола учун ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори томонидан ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ходими қўмагида шахсий ҳужжатлар йиғма жилди учун қуидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) судининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига жойлаштириш ҳақидаги ажрими;

туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар (мавжуд бўлса);
ўқишидан маълумотнома ва тавсифнома;

яшаш жойидан маълумотнома ва тавсифнома;
вояга етмаганнинг яшаш ва тарбияланиш шароитларини текшириш далолатномаси;
тегишли маълумотномалар билан бирга тиббий карта;
соғлиқни сақлаш муассасасининг вояга етмаган шахснинг соғлиғи ва уни ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига жойлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси;
вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг Илтимосномаси (судга).

Ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига йўлланаётган етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун шахсий ҳужжатлар йиғмажилларида юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қўйидаги ҳужжатлар ҳам бўлиши лозим:

етим болалар ҳамда ота-она қаровисиз қолган болаларга нисбатан васийлик белгилаш ёки таълим муассасасига жойлаштириш ҳақидаги туман (шаҳар) ҳокими қарорининг нусхаси;

ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар (паспортлар ёки ота-онаси ўлганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, суд ҳукмлари ёки қарорлари, ота-онанинг узоқ вақтдан буён касаллиги тўғрисидаги маълумотнома ва ота-онаси йўқлигини ёки уларнинг ўз болаларини тарбиялашга имкони йўқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар);

яқин қариндошларининг борлиги ва уларнинг яшаш жойлари тўғрисидаги маълумотнома;

вояга етмаганнинг ота-онасидан қолган мол-мулки (агар мол-мулк мавжуд бўлса) рўйхати, мол-мulkнинг жойлашган жойи, унинг сакланишини таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар кўрилгани, унинг сакланиши учун жавобгар шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

тураг жойнинг вояга етмаганга биркитиб қўйилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (ордер, уй дафтари, тураг жой тарихи, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимидан тураг жойнинг эгаси ва тураг жойни хусусийлаштириш факти тўғрисидаги маълумотнома);

пенсия олаётган вояга етмаганнинг пенсия дафтарчаси, суднинг бола фойдасига алимент ундириш тўғрисидаги қарори нусхаси, жамғарма дафтарчаси.

Ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига жойлаштириш юзасидан тайёрланадиган материаллар тўлиқ ва асосланган бўлиши лозим.

29-модда. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш

Ички ишлар органи бошлиги ёки унинг ўринбосари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши мумкинлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиши учун вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қуийдаги ҳужжатларни юборади:

вояга етмаганнинг ўқииши (иши) жойидан маълумотнома ва тавсифнома;

вояга етмаганнинг оиласвий-маиший турмуши шароитларини текшириши далолатномаси;

ички ишлар органининг вояга етмаган томонидан содир этилган ҳукуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ҳамда шу сабабли кўрилган таъсир чоралари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган маълумотномаси;

соглиқни сақлаши муассасасининг вояга етмаганнинг соглиги ҳолати ҳамда уни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши мумкинлиги ҳақидаги холосаси.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ушибу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни олгач, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши тўғрисидаги илтимосномани олинган ҳужжатларни, шунингдек жиноят ишини қўзгатиши рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материаларини илова қилган ҳолда уч суткадан кечиктирмай судга юборади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ички ишлар органлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия томонидан судга тақдим этилиши тартиби ва муддатлари аниқ белгилаб берилган.

Илтимосномани судга юбориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 мартағи 2833-сонли Қарорининг З-иловаси билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида»ги Низомда белгилаб берилган комиссиянинг ваколатлари асосида амалга оширади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома комиссия томонидан вояга етмаганлар бўйича ички ишлар органлари томонидан тайёрланган ва тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ўрганиб чиқилгандан сўнгина судга

юборилиши лозим, чунки ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига жойлаштирилаётган вояга етмаганинг хукуқ ва эркинликлари бузилмаслиги талаб этилади. Қачонки комиссия вояга етмаганинг хатти-ҳаракатлари уни ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига жойлаштирилиши талаб этилгандагина ҳамда уни алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтожлиги исботлангандагина судга илтимоснома киритиши керак.

Хусусан, комиссия котиби ички ишлар органлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ва комиссия раиси имзолаган Илтимосномани алоҳида чиқиш китобига қайд этган ҳолда судга юборилишини таъминлайди.

30-модда. Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия уни тақдим этган пайтдан эътиборан 24 соат ичida вояга етмаганинг яшаши жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ёпиқ суд мажлисисида якка тартибда кўриб чиқлади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вакиллари суд мажлисисида иштирок этиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқишида ички ишлар органининг вакили ва адвокат иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиши вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакилининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш зарурлигини асослаб берадиган маъruzасидан бошланади. Сўнгра прокурор, ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, адвокат, агар у суд мажлисисида иштирок этаётган бўлса, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшишилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади.

Ажрим судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

илтимосномани қаноатлантириши ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига мазкур мажбурлов чорасини қўллаш муддатини кўрсатган ҳолда жойлаштириши тўғрисида;

вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирмай туриб тузалиши мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар ёки уни мазкур муассасага жойлаштиришига тўсқинлик қиласидиган сабаблар судья томонидан аниқланган ҳолларда, илтимосномани қаноатлантиришисиз қолдириши ва материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга вояга етмаганга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллаш учун юбориши тўғрисида.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириши ёки қаноатлантиришисиз қолдириши тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиштирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими дарҳол мазкур ажримни ижро этишини таъминловчи органлар ва муассасаларга юборилади, вояга етмаганга, унинг отонаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органига, адвокатга, агар у суд мажлисида иштирок этган бўлса, маълумот учун юборилади.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими устидан судья мазкур ажримни чиқарган кундан эътиборан ўн кун ичida жиноят ишлари бўйича Қорақалпогистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судига вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда адвокат томонидан шикоят берилиши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпогистон Республикаси Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судининг судьяси вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоятни (протестни) шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичida кўриб чиқади ва қўйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

судьянинг ажримини ўзгаришисиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантиришисиз қолдириши тўғрисида;

судьянинг ажримини ўзгартириши тўғрисида;

судьянинг илтимосномани қаноатлантириши ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши тўғрисидаги ажримини бекор қилиши ҳақида;

судьянинг илтимосномани қаноатлантиришисиз қолдириши тўғрисидаги ажримини вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши масаласини ҳал қилган ҳолда бекор қилиши ҳақида.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги «Судьялар мустақилдирлар, факат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади» деб кўрсатилган. Мазкур қоидага асосан вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши амалга оширилади.

Шунингдек, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вакилларининг суд мажлисида иштирок этишини ҳамда уларнинг фикр ва мулоҳазаларини эшигтан ҳолда ажрим чиқариши талаб этилади.

Суд ишни кўриб чиқиш жараёнида иш материалларини тўлиқ ўрганиб чиқиши, қўшимча далил ва ашёларни талаб этиши, вояга етмаганнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланишини, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадрқимматини ҳимоя қилиш, ишни кўриб чиқишда қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаши муҳим аҳамият касб этади.

«Судлар тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасида «Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишга факат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади» деб белгиланган, лекин шарҳланаётган нормада суд материалларни ёпиқ кўриб чиқиши кўрсатиб ўтилганки, бунинг асосий сабаби ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига жойлаштирилаётган вояга етмаганнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмаслигини таъминлайди.

31-модда. Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримини ижро этиш

Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримининг ижросини қўйидагилар таъминлайди:

вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия – вояга етмаганга нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши билан боғлиқ бўлмаган бошқа таъсир чораларини қўллашга тааллуқли қисмини;

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш маркази – вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига олиб боришга тааллуқли қисмини;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси – вояга етмаганни мазкур муассасада сақлаш муддати мобайнида унинг тузалиши ва ижтимоий-педагогик реабилитация қилинишини таъминлашга тааллуқли қисмини.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунинг 5-моддасида «Суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт», деб белгилаб ўтилган.

Мазкур норма суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига **жойлаштириши ёки илтимосномани қаноатлантиришисиз қолдириши** ва материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга вояга етмаганга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллаш учун юбориш тўғрисидаги ажрими чиқарилганда уларнинг ижроси маълум субъектлар томонидан таъминланиши шартлигини кўрсатади.

Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримини ижро этиш илмий-амалий шарҳланаётган норма асосида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ва Ички ишлар органларининг Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш марказлари зинмасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори билан тасдиқланган вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги Низомда кўрсатилган ваколатлар доирасида комиссия қуидаги чоратадбирларни амалга оширади:

вояга етмаганларни ишга жойлаштириш ва уларнинг майший яшаш шароитини яхшилашда ёрдам кўрсатиш, давлат ёрдамига муҳтоҷ бўлган бошқа вояга етмаганларни жойлаштириш шаклларини аниқлашда кўмаклашиш, шунингдек вояга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилишга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ишларни амалга ошириш;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилмасдан бошқа таъсир чораси қўлланиши белгиланган суднинг ажрими асосида вояга етмаганларнинг хулқ-авторини кузатиб боришни ташкил этади ушбу тоифадаги вояга етмаганларнинг ҳисобини олиб боради;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ҳамда етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун мўлжалланган таълим муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва таълим олиш шароитлари, болаларнинг истиқомат жойларида маданий дам олишлари уюштирилиши, зарур ҳолларда, умумтаълим мактабларида, бошқа таълим муассасаларида, маданий-маърифий муассасалар ва спорт ташкилотларида вояга етмаганлар билан тарбиявий ишлар олиб борилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбиявий ишлар, умумий таълим ва касб-хунар ўқувларининг олиб борилиши, уларни сақлаш ва меҳнатининг тўғри ташкил этилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширади;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида вояга етмаганларни сақлаш ва тарбиялаш шароитларини, шунингдек ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш профилактикаси бўлинмаларидаги ишларнинг ҳолатини текширади. Қонун нормалари асосида бошқа вазифаларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

Ушбу илмий-амалий шарҳланаётган қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2010 йил 26 ноябрь 269-сонли қарори асосида марказлар вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

6-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

32-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг молиявий ва моддий-техника таъминоти

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг молиявий ҳамда моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Илмий-амалий шарҳланаётган қонуннинг 2-боби 8-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими белгилаб берилган, жумладан, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари; васийлик ва ҳомийлик органлари; соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; меҳнат органлари.

Мазкур орган ва муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш жараёнида молиявий ва моддий-техника таъминот талаб этилади. Ушбу маблағлар кўрсатиб ўтилган орган ва муассасалар фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатларида ҳамда илмий-амалий шарҳланаётган нормада кўрсатиб ўтилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 44-моддасида «Ички ишлар органларининг молиялаштирилиши ва моддий-техника таъминоти, бундан юридик ва жисмоний шахслар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалар мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади» деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 268-сонли қарорида «Тарбияланувчиларнинг ихтисослаштирилган мактабда таъминланиши ва уларга таълим берилиши давлат таъминоти асосида, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Ихтисослаштирилган мактаб тарбияланувчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал,

бошқа ашёвий таъминот буюлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади», деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2010 йил 26 ноябрь 269-сонли қарорида «Вояга етмаганларнинг ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида таъминланиши давлат таъминоти асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади» деб кўрсатилган.

Худди шундай тартиб қоидалар васийлик ва ҳомийлик, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат органлари тўғрисидаги қонунларда ҳам белгилаб берилган бўлиб, ушбу субъектларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш фаолиятининг моддий ва молиявий таъминоти асосан давлат маблағлари ҳисобидан таъминланади.

33-модда. Низоларни ҳал этиш

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Бошқарув тизимида ижтимоий муносабатлар натижасида пайдо бўладиган ҳар қандай низолар қонун талаблари асосида ҳал этилиши белгилаб қўйилган. Низолар икки томон ўртасида вужудга келади, томонларни жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин. Низоларнинг турли сабаблари ва омиллари мавжуд бўлиб, уларнинг ўз вақтида қонун доирасида ҳал этилиши бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ва энг муҳими қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Ижтимоий ҳаётда турли мавжуд, жумладан фуқаровий, мулкий ва бошқалар. Низоларни ҳал этиш учун эса шахснинг ўзи эмас уни ҳал этиш ваколати бўлган давлат органига ёки судга мурожаат қилиши қонун ҳужжатларида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик процессуал кодекси»-нинг 1-моддасида «Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низо-

лашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли», деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси»нинг 27-моддасида «Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш, шунингдек эр ва хотиннинг бу мол-мулқдаги улушкини аниқлаш суд тартибда амалга оширилади», деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни асосида туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий суди хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда юзага келадиган низоларни ва корпоратив низоларни, туман (шаҳар) маъмурий суди давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича маъмурий низоларни кўриб чиқади.

Ушбу қоидалардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги низолар судлар томонидан қонун доирасида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

34-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Қонун нормаларида интизомий, фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланган. Масалан, интизомий жавобгарлик меҳнат кодексида белгиланган бўлиб, ишчи ва хизматчилар томонидан ишга кечикиб келиш, хизмат интизомини бузиш ҳолатларида қўлланилади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий ёки маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 14-моддасида «Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги» ҳақидаги қоидалар кўрсатиб ўтилган, 47-моддасида «Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаслик», 48-моддасида «Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол

қилиш», 188-моддасида «Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш», 188²-моддасида «Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиши» каби ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 5-боби оиласа, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар учун жавобгарлик берилган, хусусан 122-модда «Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш», 127-модда «Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш» жиноятлари учун жавобгарлик белгилаб берилган.

Юқоридаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларидағи жавобгарликни белгиловчи моддалардаги хатти-ҳаракатларни содир этилиши бевосита вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳисобланади.

35-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирисин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқшилари ва бекор қилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 268-сонли ва «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2010 йил 26 ноябрь 269-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказлари тўғрисида»ги Низомни ижросини таъминлаш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2011 йил 14 январдаги буйруғи ўз навбатида мазкур илмий-амалий шарҳланаётган қонуннинг ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қиласи.

36-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 2012 йил 24 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги янги таҳрирдаги қонуннинг 30-моддасида «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларниң ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради» деб баён этилган.

Ушбу қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 30 сентябрдаги 190 (5105)-сонида эълон қилинган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	5
2-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМДА МУАССАСАЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ.....	32
3-БОБ. ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	97
4-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАННИ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ МАРКАЗИГА ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ	111
5-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАННИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАСИГА ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ	116
6-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР	127

**Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида
назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси
тўғрисида»ги қонунига**

ИЛМИЙ – АМАЛИЙ ШАРХ

*Муҳаррир: М. Султонова
Техник муҳаррир: Д. Джалилов*

Босишига 30. 06. 2018 й. рухсат этилди. Нашриёт ҳисоб табаги 8,5.
Адади нусха. Буюртма.....

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
700197, Тошкент ш., Интизор қўчаси, 68.